160595

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANʼATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ — • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 5 май, №18 (3305)

Шодёна айёмлар ичида ҳам қувонч, ҳам алам, ҳам ғурур, ҳам изтироб ила нишонланувчи ягона байрам — бу Ғалаба кунидир. Зеро, уруш ҳеч кимга — на боскинчиларга, на ғолибларга чинакам бахт-саодат, чинакам ҳузур-ҳаловат ҳадя қилган эмас. Уруш ўз номи билан уруш. Уруш — жангу жадал, қирғин ва ўлим демакдир. Уруш фахрийларининг бошларини тик тутиб, мардона ғурур билан юришларида муқаддас бир маъно бор — улар оналарини, фарзандларини, сингилжонларини, севар ёрларини, бир сўз билан айтганда Ватанларини боскинчи ёвлардан ҳимоя қилдилар.

Уруш — ўз номи билан уруш. Эллик-эллик беш йиллар муқаддам жаҳонни дақиқа сайин ларзага солиб турган урушнинг, ўша машъум кунларнинг асорати, изтироби, кулфат ва фарёдлари инсонлар қалбида ҳали-ҳануз тирик. Бу изтиробларни унутишга ҳеч кимнинг, ҳеч бир авлоднинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ! Унутиш — урушнинг янгидан бошланиши демак.

Эллик йил муқаддам қозонилган Ғалаба жонажон Ўзбекистонимиз учун ҳам жудажуда қимматга тушди: бунга Россия далаларида, Украина қишлоқларида, Белоруссия ўрмонларида, Оврўпа юртларида мунғайиб ётган қабрлар гувоҳ; бунга ота-онасиз қолиб, Ўзбекистондан панох, меҳр-мурувват, ош-нон топган минг-минглаб етим болаларнинг хотиралари гувоҳ; бунга «ўғлим қачон келади» деб кеча-кундуз йўл кутиб қариган, армон билан ўтиб кетган момоларимизнинг аламизтироблари гувоҳ; бунга эркаклар ўрнига далага чиқиб қўш тортган, чигит эккан, кетмон чопган аёллар, қизлар, келинчакларнинг аччиқ-дардчил қўшиқлари гувоҳ...

Уруш жароҳатлари асло битмайди. Шу боис ҳам уни лаънатлаймиз, йўқолсин уруш, йўқолсин қурол-яроғ, йўқолсин ёвуз ниятлар деймиз. Ниятимиз — эл-юртимиз тинч бўлсин, осойишталигимизга, тотувлигимизга кўз тегмасин.

ФАШИЗМ ЕМИРИЛДИ, ҒОЛИБ ЧИҚДИ ҲАҚ!

Искандар РАҲМОН

ТЎРТ БАҲОДИРНИНГ БИРИ

Мен бу одам ҳақида авваллари кўп яхши гаплар эшитган бўлсамда, уни яқиндан билмас эдим. Баҳонаи сабаб билан биз 1980-90-йилларда Узбекистон радиосининг «Ёшлик» студияси қошидаги «Жасорат» дастурини тайёрлаш асносида тез-тез учрашадиган бўлдик, мен ҳам у вақтлар бу дастурда фаол иштирок этардим. У ҳар сафар эшиттиришга ўзига қўйиб қўйгандек чиройли ҳарбий кийимда, айтилган муддатга етиб келар, барчамиз билан самимий қўл олишиб кўришар, ҳол-аҳвол сўрашгач, дарров ишга киришиб кетарди. Ўқиладиган матнни диққат билан назардан ўтказиб, йўл-йўлакай унга баъзи таҳрирлар ҳам киритарди. Кейин эса, овоз ёзиш хонасига ўтиб, матнни бир зарб билан артистлардек ифодали ва таъсирчан ўқиб тугатарди. Баъзан ўзаро суҳбатимизда бошидан ўтган қизиқ-қизиқ воқеаларни ўзига хос сўзамоллик билан шошилмасдан сўзлаб берарди. Эсимда қолгани шуки, у 1919 йили Тошкентнинг Себзор маҳалласида ишчи оиласида таваллуд топган, онасидан ёш етим қолиб, отаси тарбиясида катта бўлган, 22- мактабда таълим олган. 1938 йили ҳарбий билим юртига кириб, ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаган. Машаққатли меҳнат ва ўз касбига садоқат туфайли взвод ва рота командирлигидан юқори қўмондонлик лавозимлари, лейтенантликдан генерал-лейтенант юксак унвони даражасигача погонама-погона кўтарилган. Унинг уруш пайтидаги қурган-кечирганлари эса, битмас-туганмас мардлик, жасорат сабоги.

— Уруш бошланганда биргина бизнинг оиламиздан бир эмас, тўрт киши фронтга сафарбар бўлдик, — деган эди у. — Артиллерияچи катта акам Шукуржон 1943 йилнинг августида Белоруссияда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 325-алоҳида гвардиячи миномётчилар дивизион «Катюша» расчётининг командири бўлган ўртанча акам сержант Шокирбоҳ ҳам 1943 йилнинг мартида Ржев шаҳри остоналаридаги ҳаёт-мамот жангида ҳалок бўлди. Нуъмонжон укам эса, Тернопол вилоятида, Львов шаҳри яқинидаги жангларда 1944 йилнинг 15 июлида мардларча шаҳид кетди. Билмадим, кимнинг бахтига, балки жангда ҳалок бўлган уч жигарбандининг догида адои тамом бўлиб, уларнинг ҳам умрини менга қўшиб беришини яратгандан астойдил сураган отамнинг илтижоси инобатга ўтдими, ҳайтовур, мен Москва остоналаридан то Берлингача бўлган жангларда қатнашиб, бир неча бор ярадор бўлиб, даволаниб, ажалим етмаган экан, шу кунларга етиб келганимга шукроналар қиламан. Айниқса, Волга бўйидаги жанглар, ўзбекистонлик йигитларнинг қурсаттан жасоратлари сира ёдимдан чиқмайди.

Душманни СССР тупроғидан қувиб чиқариб, тор-мор келтириш айнан шу Сталинграддан бошланган эди. Бу шаҳарда тарих кўрмаган жанглар бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Собиржон Охунжонов (ўртада) қуролдош дўстлари—Файзулла Норхўжаев ва Абдулла Муродхўжаев билан. 1984 йил

ТАҚДИРЛАРИМИЗ БИРЛАШГАН ЭДИ

Ғалабанинг 50 йиллиги яқинлашмоқда. Бу байрам, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг фармонига мувофиқ диёримизда умумхалқ байрами қилиб ўтказилади. Ҳамма жойда катта, жўшқин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ўтган воқеалар эсга олинмоқда. Узбекистон ўша оловли йилларда ҳамма соҳада фаоллик кўрсатгани архив ҳужжатларида сақланиб келинмоқда. Улардан маълум бўлишича, уруш йилларида Узбекистонга театрлар, концерт ташкилотлари кучириб келтирилган. Бу ерда янги-янги спектакллар, мусиқалар, қўшиқлар, асарлар яратилган. Тошкентга Москва Инқилоб театри, Франко номидаги Украина академик драма театри, Ленин комсомоли номидаги Москва давлат театри, Москва қўғирчоқ театри, Ворошиловград театри, Арбузов номидаги Москва театр-студияси, Шевченко номидаги Украина Днепропетровский театри, Станиславский номидаги театр-студияси, Горкий номидаги Ростов драма театри, Самарқанд шаҳрида Харков театри, Фарғонада Шевченко номидаги Харков украин театри, Термизда Харков рус театр оперетласи, Қорақалпоғистонда Украина Донбас театри ва бошқалар келтирилиб жойлаштирилган.

Ўзбек, рус ва бошқа миллат вакиллари Узбекистон заминида яшаб ижод қилдилар. Ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу йиллари «Қурбон Умаров», «Даврон ота», «Қасос», «Қўчқор Турдиев», «Узбекистон қиличи», «Она», «Боскинчиларга ўлим», «Бургутнинг парвози» каби пиесалар, мусиқали драмалар яратилди. К. Яшин ва А. Умарий «Ҳамза», Ойбек «Маҳмуд Торобий» либреттосини ёзиб тугатдилар. Волкенштейн ва Темур Фаттоҳлар «Алпомиш», Ҳамид Олимжон «Муқанна» пиесаларини, Козловский «Улуғбек» операсини яратди.

Узбекистонга фронт бўсағасидан келтирилган театр, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари фронт жангчиларига маданий хизмат кўрсатдилар. Театрлар, ўзбек давлат филармонияси, Ленинград ва Тошкент консерваториялари фронтга бадиий хизмат кўрсатиш мақсадида 14 та бригада ювордилар. Фронт бригадаларининг концертлари катта муваффақиятлар билан ўтди. Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги аёллардан иборат қўшиқ ва рақс ансамбли, айниқса, катта муваффақиятларга эришди. Катта шуҳрат ва ҳурмат билан олқишланган Ўзбекистон санъаткорларининг бир гуруҳига халқ артистка Ҳалима Носирова, Узбекистон халқ артисти Тухтасин Жалилов раҳбарлик қилган бўлсалар, иккинчисига Узбекистон халқ артисти Тамарахоним бошчилик қилди.

Ватан уруши бошлангандан то 1943 йилнинг май ойигача Узбекистон санъаткорлари жангчиларга 9788 концерт, спектакл ва ижодий ҳисоботлар ўтказдилар. Бу тадбирларда барча театр, концерт ташкилотлари, мусиқа билим юртларининг ходимлари фаол иштирок этдилар. Бу ишлар Урта Осиё ҳарбий округи қўмондонлиги томонидан юқори баҳоланди. Санъат ходимлари фақат фронт жангчиларига хизмат қилибгина қолмай, фронт орқасида ҳам катта маданий ишлар олиб бордилар.

Уруш йиллари ҳаёт-мамот жанги кетаётган бир вақтда, ғалабага комил ишонч билан қараган халқ бунёдкорлик иштиёқидан қайтгани йўқ. Биргина 1942 йилнинг ўзида Шимолий Тошкент — Сух — Шоҳимардон, Катта — Ғузор каналлари, Чирчиқ гидростанцияси, Бекобод металлургия заводи, темир йўл қурилиши ва бошқалар халқ қурилиши деб эълон қилинди. Умумхалқ ҳашари бошланиб кетди. Шимолий Тошкент қурувчиларига Муқимий номидаги музикали драма театри 411 концерт, «Тоҳир ва Зуҳра», «Қасос» спектаклларини намойиш этдилар. Ленинград консерваторияси 399, Узбек опера ва балет театри 303 чиқиш қилдилар ва «Даврон ота» спектаклини намойиш этдилар. Бу канал қурувчиларига бадиий хизмат кўрсатишда Ҳамза номидаги Академик драма театри, Узбек ёш томошабинлар театри, Свердлов номидаги рус опера ва балет театри фаоллик кўрсатдилар.

Халқ қурилишларида Узбекистон рассомлари ҳам алоҳида фидойилик кўрсатдилар. Қисқа вақт ичида, яъни 1942 йил 2 мартдан то 10 апрелгача 216 та меҳнат зарбдорларининг портретларини чиздилар, улар қаламига мансуб 36 деворий газета, 180 этюд, 36 ташвиқот варақалари, 16 курғазма ташкил этилди. Бундай хизматлар ғаллакорларга, пахтакорларга ҳам кўрсатилди. Улар учун 85 маданий бригада уюштирилиб, 3 мингдан ортиқ концерт бердилар.

Айниқса санъаткорлар фаолиятида инсонпарварлик, меҳр-шафқат омиллари ҳам катта рол ўйнади. Улар концертлардан тушган маблағларини республикага келтирилган болалар ёрдам фондларига бердилар. Булардан ташқари, бир кун, икки кунлик иш ҳақларини ҳам ёрдам фондига ўтказдилар. Бир марта қилинган бундай савобли ишдан тушган маблағ 1 млн. сўмдан ошиб кетди.

Танк қурилишига ҳам 1 млн. 400 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказдилар. Фронт жангчиларига ҳам маблағ тўпладилар. Сталинград фронтига 300 минг сўмдан ортиқ пул (маданий моллар, мусиқа асбоблари) ҳам тўпладилар. Бу тадбирларда Толстой, Погодин, Уткин, Ҳ. Олимжон, Корней Чуковский, Николаев, Черкасов ва бошқалар ҳам фаол иштирок этди. Урушнинг биринчи йили, 5-6 ой ичида 100 дан ортиқ жанговар қўшиқлар яратилди. Булар асосан Чустий, Ҳамид Ғулом, Ҳамид Олимжон, Темур Фаттоҳ, Амин Умарий, Миртемир шеърларига яратилган қўшиқлар эди.

Булар биргина кичик ҳисоботдан олинган маълумотлардир. Агар 1418 кун бўлган жангнинг ҳар кунини олсак маданият ва санъат ходимлари халқимиз билан бир жон, бир тан бўлиб, Ғалаба кунини яқинлаштиришга ҳисса қўшганликлари янада аниқроқ, янада чуқурроқ намоён бўлади. Бу кун, улкан умумхалқ байрами олдида маданият ва санъат фахрийларини самимий табриклаб, уруш йилларида кўрсатган жасоратларига таҳсин айтамиз.

Эркин ҲАЙИТБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири

ФАХРИЙЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллик байрами муносабати билан Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида меҳнат қилган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига турли имтиёзлар яратилмоқда. Уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари 1995 йилнинг 5 майидан 10 майигача театр-томоша ва концерт муассасаларига бепул кирадилар.

УРУШНИ ХОТИРЛАБ

Республика рассомлар уюшмасининг Қўргазмалар залида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган рассомларнинг бадиий кўргазмаси очилди. Кўргазма очилишида Узбекистон рассомлар уюшмасининг президенти Т. Миржалилов ва унинг ўринбосари В. Бурмакин, Узбекистон халқ рассоми Л. Абдуллаев, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари С. Абдуллаев ва В. Петров сўзга чиқиб, залда тўпланган уруш қатнашчиларини байрам билан табрикладилар.

Кўргазмадан урушга қатнашган рассомларнинг ва ҳозирги ёш ижодкорларнинг урушга бағишлаб яратган асарлари ўрин олган. Узбекистон халқ рассоми Л. Абдуллаевнинг «Қўчқор Ҳасанов портрети», Г. Ризамухамедовнинг «Кўнгиллилар» В. Балабановнинг «Қувончли хабар», Ҳ. Санаевнинг «Интизорлик», Г. Кимнинг «Кутиш» ва А. Балкановнинг плакатларида уруш давридаги ўзбек халқининг ҳаёти, фронт учун қилган фидокорона меҳнатлари тасвирланган.

Кўргазма Узбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Узбекистон рассомлар уюшмаси, Халқаро алоқалар маркази «Ҳамар», «Рассом» бадиий комбинатлари томонидан ташкил этилган.

Янги томоша

«УФҚ» САҲНАДА

Шу кунларда республикамизнинг барча корхона ва ташкилотларида буюк Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддуди кўрилмоқда. Жумладан, маданият ва санъат муассасалари ҳам бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида меҳнат қилаётирлар. Куни кеча Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрида намойиш этилган «Уфқ» номли янги спектакл ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Театр жамоасининг байрамга атаб тайёрлаган бу саҳна асарини роман муаллифи, ёзувчи Саид Аҳмаднинг ўзи инсценировка қилган. Асарни режиссёр Олимжон Салимов саҳнага олиб чиққан. Рассомлар Флюра Газизова ва Наталя Глубокина асар руҳига мос саҳна безаклари ишлаб қаҳрамонлар характерига мос кийим-кечаклар танлаганлар. Композитор Анвар Эргашев мусиқаси асар мазмунини томошабинга янада чуқурроқ етказишга хизмат қилган.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи ва ёш артистларидан Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Тути Юсупова, Римма Аҳмедова, Дилбар Икромова, Турғун Хонтураев, Гулчеҳра Иброҳимова, Тоҳир Саидов, Фатхулла Маъсудов, Лола Элтоева ва бошқалар ижро этмоқдалар.

СУРАТДА: спектаклдан лавҳалар.
С. МАҲКАМОВ суратга олган



АГАР ЮРАК ЙИҒЛАМАСА...

4-бет

УЙҒУН ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир Уйғун таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш муносабати билан йиғилиш бўлди. Унда юбилейни ўтказиш комиссияси раиси Мирмуҳсин бу санага қурилаётган тайёргарликлар, мулжалдаги тадбирлар ҳақида сўзлади. Уюшма раиси Жамол Камол, олимлардан Ҳафиз Абдусаматов, Иззат Султон, шоирнинг укаси Ҳамидулла Отақўзиев, шоирлар Абдусаид Кўчимов, Маъруф Жалил белгиланган режалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Уйғун таваллудининг 90 йиллигини шу йилнинг сентябр ойида ўтказишга қарор қилинди.

Барно ХЎЖАЕВА

БЕҲБУДИЙНИНГ БАЙРАМИ

Маҳмудхўжа Беҳбудий байрами — миллатнинг байрами. Бугунги кунда истиқлол шарофати билан донишманд боболаримизнинг оламшумул ишларини эсламоқдамиз, ўлмас асарларини ўқимоқдамиз, уларнинг ибратли ҳаётларини ёш наслга намуна қилиб кўрсатмоқдамиз. Бу — катта бахт. Чунки халқ, миллат ўзлигини англаб етгандагина қаддини кўтаради, ўз қадрини билади. Улуғ жадид боболаримиз ҳаёти-аъмоли бу борада бизга бир умрлик мактабдир. Ана шу устод мураббийлар қудратли сафининг олдида Туркистон миллий-озодлик ҳаракатининг ғоявий йўлбошчиси, маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий туради. Туркистон жадидларининг отаси Беҳбудий ҳақида Файзулла Ҳўжаев ҳақли равишда шундай деган эди: «Сиёсий, ижтимоий хизмат ҳам ҳар хил маълумот жиҳатидан ўшал вақтдаги Туркистон жадидларидан ҳеч ким унинг билан тенг бўла олмаса керак».

Буюк маърифатпарварнинг 120 йиллиги жумҳуриятимизда кенг нишонланмоқда. Шу йил 28 апрелда УзФА мажлислар залида УзРФА ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб илмий конференция ўтказди. Анжуманни УзФА вице-президенти, академик Иброҳим Искандаров кириш сўзи билан очди. Филология фанлари доктори Наим Каримов «Беҳбудий ва ўзбек жадидчилик ҳаракати», УзФА мухбир аъзоси Ғани Абдурахмонов «Беҳбудийнинг ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётидаги роли», адабиётшунос Шуҳрат Ризаев «Беҳбудий — жадид драматургиясининг асосчиси», филология фанлари номзоди Улуғбек Долимов «Беҳбудийнинг ахлоқий-таълимий қарашлари», ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Жўрабой Тошқулов «Беҳбудийнинг ҳуқуқий қарашлари», УзФА Тарих институти илмий ходими Аброр Худойқулов «Беҳбудийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари» мавзуларида маъруза қилдилар. Узбекистон халқ шоири Жамол Камол Беҳбудий ҳақида сўз айтди.

Ўша куни Тошкентдаги Киночилар масканида шаҳар жамоатчилиги, ёзувчи ва олимлар, талабалар иштирокида маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тантанали йиғилишни Узбекистон Республикасининг маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев кириш сўзи билан очди. Беҳбудийнинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрни ҳақида Н.Каримов маъруза қилди. Анжуманда УзФА мухбир аъзоси И. Султон, Узбекистон халқ шоири Шукрулло, «Овози тожик» газетасининг бош муҳаррири Ш. Ниёзов, «Наврўз» жамоатчилик жамғармасининг раиси Дадахон Ёқубов улуғ Мураббийнинг унутилмас фаолияти, пурмаъно ижоди ҳақида дил сўзларини айтдилар.

Анжуманда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг набираси Надимхон Беҳбудий давлатимизнинг буюк бобосига кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромни учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали анжуманда «Беҳбудий» филми намойиш этилди, катта концерт берилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг байрамлари — миллатимизнинг байрамлари. Улуғ Устод иккинчи — боқий умрини яшамоқда. Биноварин, Беҳбудийнинг байрамлари ҳали кўп бўлади. Узбек халқи бор экан, унинг умри ҳам давом этаверади, номи ҳам, асарлари ҳам яшайверади!

Маҳмуд САЪДИЙ

Беш ҳадис

Дин насиҳатдан иборат.

•

Сахийлик — бамисоли жаннатнинг дарахтларидан биридир. Унинг шохлари дунёга осилиб тушиб туради. Кимки ўша шохлардан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб боради. Бахиллик эса дўзах дарахтидир. Унинг шохлари дунёга чиқиб туради. Кимки шу шохлардан бирини ушласа, уни дўзахга бошлаб боради.

•

«Салом» — Тангрининг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мумин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслаттани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо, алик олишмаса, унга, барибир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади.

•

Нуқсонсиз булатуриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган моллардан эҳсон қилувчи, иффатли, илму ҳикмат аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтарин олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, қуриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишилар нақадар яхши! Илмига амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайру эҳсон қиладиган, беҳуда гаплдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир!

•

Билганларингизни бошқаларга ҳам билдиринглар. Динни осон қилиб кўрсатинглар, қийин қилиб юборманглар. Одамларни суюнтирадиган гаплардан гапиринглар, уларни турли таҳдидлар билан қўрқитиб, бездириб қўйманглар! Ғазабингиз хуруж қилса, сукут сақланглар!

ХОНОБОДГА ТАБАССУМ КЕЛДИ

Ўтган шанба-якшанба кунлари Андижон вилоятининг сулим Хонобод шаҳрида Узбекистон халқ артисти Сойиб Ҳўжаев таваллудининг 85 йиллигига бағишланган қизиқчи ва аскиячиларнинг мамлакат миқёсидаги кўрик-танлови бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиети ва маданий-маърифий ишлар республика маркази, вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, Хонобод шаҳар ҳокимлиги ва Сойиб Ҳўжаев вақфи ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбирда деярли барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган 150 га яқин аскиячи ва қизиқчилар иштирок этишди. Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Муҳсин Қодиров раҳбарлигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати икки кун давомида қатнашчилар маҳоратини синовдан ўтказдилар.

Танлов якунларига кўра Фарғона вилояти аскиячилари биринчи ўринни, андижонликлар иккинчи, сурхондарёликлар эса учинчи ўринни эгаллашди. Қизиқчилик санъати бўйича Марғилон шаҳар 3. Юсупов номидаги кулги студияси санъаткорлари ғолиб деб топилди. Балиқчи туман маданият уйи қошидаги «Сутақўзи» халқ миниатюра театри ижодкорлари ҳамда Андижон вилояти Қорасув шаҳар Ҳасан Султонов раҳбарлигидаги қизиқчилар жамоаси иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин Жиззах шаҳар қизиқчилар гуруҳига насиб этди.

Якка ижро бўйича бухоролик Шуҳрат Қодиров ғолиб деб топилди ва унга танловнинг бош соврини топширилди. Сурхондарёлик Олия Баҳромова иккинчи, Фарғона вилояти Учқуприк туманидан Содиқжон Ҳасанов ва қорақалпоғистонлик Қувончбой Сейитназаров эса фахрли учинчи ўринга кўтарилишди.

Танлов ғолибларига ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Хонобод шаҳри ҳокимлиги бу йирик маданий тадбирнинг юксак савияда ўтишини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб берди.

Кўрик-танловда Муқимий номидаги мусиқали театрнинг бир гуруҳ санъаткорлари ҳам иштирок этдилар.

Ўз ахборотимиз

ҚУТЛАЙМИЗ!

Туркия диёнат вақфи томонидан ҳар йили пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг таваллуд топган кунларига бағишлаб турк жумҳуриятлари ва турк ўлкалари шоирлари орасида «Қутлуг туғилиш ҳафтаси» деб номланган муножот еришмаси, яъни мусобақаси ўтказилади. Бу йилги мусобақа якунларига кўра биринчи мукофот Рауф ПАРФИга «Муножот» асари учун, иккинчи мукофот Тура МИРЗОга «Яратганга елвориш» ва озарбойжон шоири Маҳмет АСЛОНга «Ла илоҳа иллаллоҳ» асарлари учун, учинчи мукофот бошқирд шоири Марс НУРИЕВга «Муножот» асари учун берилди. 1988 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Қутлуг туғилиш ҳафтаси» байрамида шоирлардан ташқари олимлар, Шарқу Ғарбдаги ислом фидойилари ҳам иштирок этадилар. Туркия диёнат вақфи ҳар йили маърузалар ва мусобақа натижаларини ўз нашриётида китоб қилиб чиқаради.

Чамангул МАҲМУДЖОН қизи

ИБРАТ

ФАШИЗМ ӨМИРИЛДИ, ҒОЛИБ ЧИҚДИ ҲАҚ!

Ғалаба байрамига тараддуд кунларида кимдир «Келинглар, жангчи ёзувчилар суратлари қаторига Шароф Рашидовнинг ҳам суратини қуйайлик», деди. Қупчилик ҳайрон бўлди. Ахир девор-тахтага ҳозирда тирик фахрийларнинг расмлари қўйиляпти-ку? Буни сезган ҳалиги киши: «Рашидов нафақат Ватан муҳорабасида жасорат кўрсатган, унинг кейинги фаолиятлари ҳам жасоратлардан иборат. Қолаверса, бугунги мустақиллигимизда у зотнинг катта ҳиссаси бор, ҳозир ҳам тирик одамлардай хизмат қиляпти», дея ўз фикрини далиллади.

Ўйлаб кўрилса, бу фикрга қўшилмай илож йўқ. Қизил империя шароитида узоқ йиллар қил устида турган каби юрт равнақи учун курашиш — эндиликда бу сир эмас — жасорат экан... Аммо Шароф Рашидовнинг ҳақиқий муҳорабаларда, ўқ ёмғирлари остида ҳам жанг қилгани хусусида деярли ҳеч нарса билмаймиз.

Шу орада, иттифоқо, «Ватанпарвар» газетасининг февраль ойи охирида босилган бир сони қўлимга тушиб қолди. Учинчи саҳифада «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» рукни остида ажиб бир тарихий сурат ҳамда собиқ жангчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Маъруфжон Маҳмудовнинг «Қуроллдош дўстларга эҳтиромим» мақоласи босилганди. Мақолани муаллиф 1983 йилда ёзган ва уни матбуотда эълон қилдиришни жияни Тоҳиржон Маҳмудовга васият қилиб қолдирган экан. Тоҳиржон ўн икки йилдан сўнг амакисининг васиятини бажо келтирибди.

Суратдаги етти қуроллдошнинг бештаси аллақачон вафот этган. Олдинги қаторда икки киши ўтирибди: Шароф Рашидов ва истеъфодаги гвардиячи полковник И. С. Ризжик. Маъруфжон Маҳмудов эса орқа сафда, тик турибди. Мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Уша давр руҳи одамлардаги жанговар кайфият, айниқса, ватанга муҳаббат туйғуси, хаёлимни қамраб олди.

— 1943 йилнинг охирлари эди, — эслайди Хурсаной ая. — Одатдагидай, Шароф Рашидов ўн тунги иккиларда ҳориб-толиб ишдан қайтдилар. Уч ойча аввал Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасига бош муҳаррирликка тайинланган эдилар. Газетчиликни жуда суярдилар. Ҳар қанча чарчасалар ҳам бироз дам олиб яна ишга шўнғиб кетаверардилар. Уша тунда эса чорак соатча мизғиганларидан кейин чўчиб уйғондилару, дарҳол кийиниб, йўлга отландилар. Қуча совуқ эди. На хизмат машинаси, на бошқа улов бор эди. Ҳайҳайлашимга қарамай, югургилаб кетдилар. Эртаси куни соат ўн иккида чарчаган куйи, аммо хотиржам уйга қайтдилар. Чой ичаётиб нима воқеа юз берганини сўзлаб бердилар. Уйқуга кетишлари билан оппоқ соқолли, нуроний бир муйсафид: «Тур, болам, ишхонангга югур, ишингда ёмон хато утган» дебди. Босилаётган газетани синчиклаб қўздан кечирсалар, бир жойда «Сталинград» сўзидан «р» ҳарфи тушиб қолибди...

Худо асрагани шу-да.

— У киши кўп ҳодисотларни тушда кўрардилар, — дея сўзида давом этди ая. — Анча вақт ўтганидан кейингина менга айтардилар. Худо кўнгилларига соларди, айтганлари доим тўғри чиқарди. Тасаввурлари кучли эди.

Уруш бошланган пайтда Шароф Рашидов ҳам Самарқанд Давлат дорилфунуни филология куллиётининг сўнгги босқич талабаси, ҳам вилоят рўзномасининг бош муҳаррири уринбосари сифатида қизғин иш олиб борарди. Бунгача босмахонада ҳарф терувчи, таҳририятда мусаҳҳиҳ, адабий ходим сифатида ишлаганди. Ҳам аъло ўқиш, ҳам газета чиқариш, ҳам таҳририлар шеърлар, очерклар, мақолалар битиш учун катта истеъдоддан ташқари мустаҳкам соғлиқ, чидам ва куч-қувват ҳам керак эди. Тўсатдан бошланган уруш эса ҳаммасини остин-устин қилиб юборди.

Шароф Рашидов иккиланиб ўтирмай, дарҳол ректор номига ариза ёзиб, муддатидан аввал диплом ишини ҳимоя қилишга ва имтиҳонларни топшириш учун рухсат сўради. Орадан кўп ўтмай бошқа кўнгиллилар сафида Фрунзе (Бишкек) шаҳрига жўнатилди.

Марҳум Маъруфжон Маҳмудовнинг мақоласида бу ҳақда шундай ёзилади: «Биз — Шароф Рашидов, Турсун Бобохонов, Иван Яковлевич Сафронов, Рубен Григоревич Гулянц, Владимир Иванович Никазаченко, Зубайдулло Эргашевич Тоғаев ва бошқалар Фрунзе ҳарбий билим юртида душманга қарши кураш тактикасини жадал суратлар билан ургана бошладик».

Бу пайтда душман Москвага яқинлашиб қолганди. Қумондонлик бўйрўгига асосан билим юрти курсантларини Москва мудофаасига сафарбар этишга бағишланган митинг бўлди. Унда баталон комсорги Ш. Рашидов сўзга чиқиб шундай дейди:

— Биз бугун барчамиз Москвани мардонавор мудофаа қилиш жангларига отланмоқдамиз. Орамизда рус, украин, белорус, ўзбек... ва бошқа миллат фарзандлари бор. Баталонимиз курсантлари номидан қасамёд қилиб айтаманки, ёвуз душманни улоқтириб ташлаймиз! Бизнинг ишимиз ҳақ, биз албатта енгамиз!

1941 йилнинг қаҳратон қишида Москва остоналарида бўлган оғир ва шиддатли жангларда кўплаб жангчилар қатори баталон командири ҳам ҳалок бўлади. Шунда ёш сиёсий раҳбар Шароф Рашидов командирликни ўз зиммасига олиб, жангчиларни олга бошлайди... Москва мудофаасидаги 20 августларида бригадамиз билан Фарғонадан фронтга жўнадик. Эшелонимиз 1942 йили 20 августда Тошкентда тўхтаган вақтда республикамизнинг раҳбари Йўлдош Охунбобоев вокзалга келиб, биз — жангчилар билан учрашиб, ғалаба билан соғ-саломат ўз оилаларимизга, ота-оналаримиз бағрига қайтишимизни тилаб қолдилар. Бу самимий хайрлашув ҳалигача ёдимда.

90- ва 94-алоҳида ўқчи бригадалар тўғрисида ва Маматқул Мустафоев, Муйдин Дадабоев, Исмоилжон Тўхтасинов бошлиқ батареялар тўплари душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Первомайск, Илинка, Силивановка, Глубокий, Каменск, Астаховка, Михайловка номли станица ва шаҳарларни эгаллашда катта қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Айниқса, Морозовск темир йўл станциясини ишғол қилишда бригадамизнинг 3-баталони ва 94-алоҳида автоматчилар ротасининг жасур солдатлари сержант Аъзамжон Усмонов, Собиржон Эгамбердиев, Каримжон Эгамбердиев, Мадумаржон Сотиболдиев, Сафарали Ҳасанов, Қосимжон Аҳмадалиев, Абдуллажон Орзиқулов, Уроқвой Мамажонов ва бошқалар жангларда катта жасорат кўрсатиб, фашист газандаларини тутдек тўқдилар.

Сержант Султонали Пулатов, солдат Ёқуб Қурбонов оғир жароҳатландилар. Ўртоқлари уларни шошилинч равишда четроққа, қорга кўмиб, ҳужумни давом эттирдилар. Кейинги портлаган бомбалар уларни кўмилган жойларидан улоқтириб ташлади ва ҳамширалар келганда улардан бири, сержант Пулатов нафас олаётган экан. Кўзидан ва елкасидан оғир жароҳатланиб, беҳуш ётган Пулатовни тезда дала госпиталига жўнатдилар. 1965 йили хизмат билан Фарғона туманининг Лоғон қишлоғидаги Навоий номидаги колхозга борганимда тасодифан Султонали билан учрашиб қолдим. Хурсандчилигимизни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Ушанда 23 йил илгари бўлиб ўтган даҳшатли жангларни эсладик...

— Сталинграддаги жанглар билан боғлиқ эсингизда қолган яна бирор воқеани сўзлаб берсангиз?

— Қайси бирини айтсам экан, укажон, улар шунчалик кўпки... Ҳа, Каменск шаҳрини ишғол қилишда 1942 йилнинг август — октябр ойларида аввало Москва шаҳрининг мудофаа зонасида жанговар машқларда бўлди. Москва яқинидаги Коломна шаҳри ёнидаги дала лагерида Олий Бош Қўмондон вакили генерал Артёмов бригадамизга жанговар байроқ топширди. Сўнгра биз тезлик билан бир неча эшелон бўлиб Сталинград фронтига жўнаб кетдик. Кечаси зенит батерияси ҳимоясида Серебрякова станциясида вагонлардан тушган бригадамиз 350-400 километрлик масофани босиб ўтиб, Дон дарёси қирғоғидаги Серафимович плацдармида биринчи марта жангга кирди.

Қиш ғоят қаттиқ, ҳаво 35-40 даража совуқ эди. Аскарларимиз шундай оғир шароитларда Сталинград фронтида мардонавор жанг қилдилар.

Бригадамизнинг артиллерия бошлиғи майор Файзулла Норхўжаев командирлигидаги артиллерия дивизиянатдилар. 1965 йили хизмат билан Фарғона туманининг Лоғон қишлоғидаги Навоий номидаги колхозга борганимда тасодифан Султонали билан учрашиб қолдим. Хурсандчилигимизни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Ушанда 23 йил илгари бўлиб ўтган даҳшатли жангларни эсладик...

— Сталинграддаги жанглар билан боғлиқ эсингизда қолган яна бирор воқеани сўзлаб берсангиз?

— Қайси бирини айтсам экан, укажон, улар шунчалик кўпки... Ҳа, Каменск шаҳрини ишғол қилишда бизнинг қўшинларимиз фашистларнинг 72-пиёда дивизиясининг яхшигина таъзирини бердилар. Шу жанглар 300 дан ортиқ фашистлар гуруҳи Дон қирғоқларида яширин йўл билан ғарб томонга ўтишга уринибди, ўқчи бригадамиз жойлашган пунктга ҳужум қилди. Командиримиз полковник Игнатий Краснов ва бригадамизнинг сиёсий бўлим бошлиғи майор Абдуллаҳўжа Муродхўжаев тасодифий ҳарбий ҳолатнинг оқибатини тушуниб, тезликда бор кучларини ана шу нуқтага сафарбар этдилар (ердаги қорнинг қалинлиги 1 метргача борарди), душманни ўққа тутдик. Бу кутилмаган жангда бригадамизнинг жанговар байроғини фарғоналик Юсуфжон Собиров ва Абдуллажон Орзиқулов кўкракларига яшириб, сақлаб қолдилар. Буни ҳақиқий мардлик, ватанпарварлик деса бўлади.

Сталинград ҳимоячиларининг кўрсатган беқиёс мардлик ва жасоратлари туфайли 1942 йил 19 ноябр куни бошланган катта операция натижасида фашистларнинг фелдмаршал Паулюс қўмондонлигидаги 330 минг кишилик армияси қуршаб олиниб, тор-мор қилинди, кўплаб ҳарбий ашёлар ўлжа олинди, минглаб душман аскар ва зобитлари асирга тушди. Бироқ, яна қанчадан-қанча қонли жанглар ҳали олдинда эди. Тиш-тирноғигача қуролланган маккор душман осонликча жон бергиси келмасди. Уни ўз уясида тор-мор келтириб, янчиш керак эди. Бу мақсад йўлида бригадамиз жангчилари мардонавор юришлар қилиб Краснодон, Ворошиловград, умуман Украина ҳудуди, қолаверса, Полшани, Прагани фашистлардан озод қилишда қатнашдилар. Кейинчалик айрим жангчиларимиз Япония билан бўлган жангларда ҳам қатнашиб, жасорат намуналарини кўрсатдилар...

ТЎРТ БАҲОДИРНИНГ БИРИ

ШОКИРЖОН

СОБИРЖОН

НУЪМОНЖОН

ШУКУРЖОН

(Боши 1-бетда)

Мана, бир далил. Ҳайкалтарошлар Сталинград ҳимоячилари жасоратига бағишланган ёдгорлик яратиш олдидан 62-армиянинг собиқ қўмондони, маршал Василий Иванович Чуйковга мурожаат қилиб, ундан маслаҳат сўрашади. «Мамай қўрғонига боринглар, бир квадрат метр ерни ўлчаб, бир метр чуқурликкача қазинглар. Шу жойдан қанча ўқ ва мина парчаси чиқишини санаб кўринглар», — деб маслаҳат беради маршал.

Ҳайкалтарошлар шундай қиладилар, улар бир квадрат метр ердан 1600 гилза ва мина парчасини териб олишади. Демак, бир солдат устига шунча ўқ, бомба ва снаряд парчаси ёғдирилган экан. Бундай ўқ ёмғирига, ажал ёмғирига бардош берган солдатлар жасоратини бир тасаввур этиб кўрингчи? Шу даврда армиямизнинг асосий таркиби ёшлардан иборат бўлганлигини эсласангиз, уларнинг жасорати ва мислсиз садоқатини, чексиз ватанпарварлигини кўз олдингизга келтирасиз. Бундай жасорат ва матонатни ёшларимиз умрбод ёддан чиқармасликлари зарур!

1942 йил ёзида фашистлар Сталинград ва Кавказ йўналишида ҳужумга ўтдилар. Дон кенгликларида инсоният тарихида мисли кўрилмаган жанглар бошланди. Фашист қўмондонлиги Сталинградни эгаллаб, Волга дарёсига чиқишни, Москвани Боку нефтидан узиб қўйишни ва ниҳоят, Волгадан ўтиб, Москвага орқа томондан зарба беришни кўзда тутган эди. Ҳатто Саратов, Куйбишев шаҳарларини эгаллаш кунлари ҳам олдиндан белгилаб қўйилган эди. Бу — Гитлернинг 1942 йилдаги стратегик режасининг асосий мазмуни эди.

1942 йил сентябрининг ўрталарида Сталинград жанги шу қадар шиддатли тус олдики, бундай жангларни тарих кўрмаган эди. Душман ҳар қанча талофат кўришига қарамай зарбани давом эттирар, янги-янги танк, пиёда, артиллерия ва авиация қўшинларини жангга ташларди. Шу тариқа, фашистлар Сталинграднинг марказий қисмини қўлга киритдилар. Ҳар куни минглаб самолётлар шаҳарни бомбардимон қиларди.

Бундай шиддатли жанглар 1942 йилнинг 19 ноябригача давом этди...

— Шундай оғир дамларда ўзбекистонликлар Сталинград жангчиларини қандай қўллаб-қувватладилар? — деб сўрайман мен генералдан.

— Саволингиз ниҳоятда тўғри ва ўринли. Ана шундай қийин дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг фронтдаги жанговар фарзандларига ҳат билан мурожаат қилди. Фашизм вабосини тугатиш учун жасорат ва матонат билан жанг қилишга ундади.

«Душманга қақшатгич зарба беринг, фашистларни Сталинград остонасида тўхтатинг, улар қаерда олдинга интилаётган бўлса, уша ерда тўхтатинг, бир қадам ҳам олга юришига йўл қўйманг, қонхўр жаллодларни Волга бўйларидан улоқтириб, янчиб ташланг», — дейилган эди ҳатда.

Уша пайтда Ўзбекистонда бир неча миллий ҳарбий қисмлар ташкил этила бошлаган эди. Жумладан, Самарқандда 90-, Тошкент, Фарғона, Наманган шаҳарларида эса 94-алоҳида ўқчи бригадалари 1941 йилнинг декабр ойида тузилиб, бу ҳарбий қисмларни жанговар, сиёсий жиҳатдан тайёрлаш ва кундалик ҳарбий машқлар ўтказишга киришилди. Ўзбекистонлик жангчиларнинг айниқса, Сталинград остоналарида кўрсатган жасоратлари ва фашистлар билан қаҳрамонона курашганликларига тарих гувоҳдир.

— Шаҳсан сиз Сталинград остоналаридаги жангларга қачон ва қандай лавозимда келиб қўшилдингиз?

— Мен Киев мудофаасида қатнашиб, 1941 йил октябр ойида енгил ярадор бўлиб қайтганимда, қўмондонлик мени 94-алоҳида ўқчи бригаданинг 94-алоҳида автоматчилар ротасига командир қилиб тайинлади. Ротамизда 100 жангчи (шулардан олтитаси зобит) бўлиб, 1942 йилнинг 18-августларида бригадамиз билан Фарғонадан фронтга жўнадик. Эшелонимиз 1942 йили 20 августда Тошкентда тўхтаган вақтда республикамизнинг раҳбари Йўлдош Охунбобоев вокзалга келиб, биз — жангчилар билан учрашиб, ғалаба билан соғ-саломат ўз оилаларимизга, ота-оналаримиз бағрига қайтишимизни тилаб қолдилар. Бу самимий хайрлашув ҳалигача ёдимда.

90- ва 94-алоҳида ўқчи бригадалар тўғрисида ва Маматқул Мустафоев, Муйдин Дадабоев, Исмоилжон Тўхтасинов бошлиқ батареялар тўплари душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Первомайск, Илинка, Силивановка, Глубокий, Каменск, Астаховка, Михайловка номли станица ва шаҳарларни эгаллашда катта қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Айниқса, Морозовск темир йўл станциясини ишғол қилишда бригадамизнинг 3-баталони ва 94-алоҳида автоматчилар ротасининг жасур солдатлари сержант Аъзамжон Усмонов, Собиржон Эгамбердиев, Каримжон Эгамбердиев, Мадумаржон Сотиболдиев, Сафарали Ҳасанов, Қосимжон Аҳмадалиев, Абдуллажон Орзиқулов, Уроқвой Мамажонов ва бошқалар жангларда катта жасорат кўрсатиб, фашист газандаларини тутдек тўқдилар.

Сержант Султонали Пулатов, солдат Ёқуб Қурбонов оғир жароҳатландилар. Ўртоқлари уларни шошилинч равишда четроққа, қорга кўмиб, ҳужумни давом эттирдилар. Кейинги портлаган бомбалар уларни кўмилган жойларидан улоқтириб ташлади ва ҳамширалар келганда улардан бири, сержант Пулатов нафас олаётган экан. Кўзидан ва елкасидан оғир жароҳатланиб, беҳуш ётган Пулатовни тезда дала госпиталига жўнатдилар. 1965 йили хизмат билан Фарғона туманининг Лоғон қишлоғидаги Навоий номидаги колхозга борганимда тасодифан Султонали билан учрашиб қолдим. Хурсандчилигимизни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Ушанда 23 йил илгари бўлиб ўтган даҳшатли жангларни эсладик...

— Сталинграддаги жанглар билан боғлиқ эсингизда қолган яна бирор воқеани сўзлаб берсангиз?

— Қайси бирини айтсам экан, укажон, улар шунчалик кўпки... Ҳа, Каменск шаҳрини ишғол қилишда бизнинг қўшинларимиз фашистларнинг 72-пиёда дивизиясининг яхшигина таъзирини бердилар. Шу жанглар 300 дан ортиқ фашистлар гуруҳи Дон қирғоқларида яширин йўл билан ғарб томонга ўтишга уринибди, ўқчи бригадамиз жойлашган пунктга ҳужум қилди. Командиримиз полковник Игнатий Краснов ва бригадамизнинг сиёсий бўлим бошлиғи майор Абдуллаҳўжа Муродхўжаев тасодифий ҳарбий ҳолатнинг оқибатини тушуниб, тезликда бор кучларини ана шу нуқтага сафарбар этдилар (ердаги қорнинг қалинлиги 1 метргача борарди), душманни ўққа тутдик. Бу кутилмаган жангда бригадамизнинг жанговар байроғини фарғоналик Юсуфжон Собиров ва Абдуллажон Орзиқулов кўкракларига яшириб, сақлаб қолдилар. Буни ҳақиқий мардлик, ватанпарварлик деса бўлади.

Сталинград ҳимоячиларининг кўрсатган беқиёс мардлик ва жасоратлари туфайли 1942 йил 19 ноябр куни бошланган катта операция натижасида фашистларнинг фелдмаршал Паулюс қўмондонлигидаги 330 минг кишилик армияси қуршаб олиниб, тор-мор қилинди, кўплаб ҳарбий ашёлар ўлжа олинди, минглаб душман аскар ва зобитлари асирга тушди. Бироқ, яна қанчадан-қанча қонли жанглар ҳали олдинда эди. Тиш-тирноғигача қуролланган маккор душман осонликча жон бергиси келмасди. Уни ўз уясида тор-мор келтириб, янчиш керак эди. Бу мақсад йўлида бригадамиз жангчилари мардонавор юришлар қилиб Краснодон, Ворошиловград, умуман Украина ҳудуди, қолаверса, Полшани, Прагани фашистлардан озод қилишда қатнашдилар. Кейинчалик айрим жангчиларимиз Япония билан бўлган жангларда ҳам қатнашиб, жасорат намуналарини кўрсатдилар...

Ғалаба учун 9 киши орден ва медаллар билан тақдирланади. Шароф Рашидовга эса иккинчи марта «Қизил Юлдуз» ордени топширилади.

«Баталон жангчилари Шароф Рашидовни чин дилдан севардилар ва ҳурмат қилардилар, — деб ёзади Маъруфжон Маҳмудов. У ҳар бир жангда шахсий ўрнак кўрсатар, аскарларни ғалабага руҳлантирар эди. Ҳамиша олдинги сафларда бориб, ўзининг фазилатлари билан жангчилар ҳурматини қозонарди».

1942 йилнинг 12 августидан ўн учинчига ўтар кечаси Ленинград остоналарида бўлган шиддатли жанглар чоғида Шароф Рашидов оғир яраланади. Ураддаги Ревда ва Ярославл вилоятининг Рибинский госпиталларида узоқ вақт даволангач, оғир жароҳат туфайли унга яна жангга киришга рухсат этилмайди ва 1942 йил охирида ўз юртига қайтарилади.

Шароф Рашидов Жиззах тумани раҳбарларига учрашиб, иш сурайди. Уни шаҳардаги ягона ўрта мактабга етакчи қилиб юборадилар. Муаллимлар етишмаслиги боис юқори синфларда дарслар ўтилмасди. Директор маҳалламаҳалла юриб, ўқувчиларни мактабга чорлайди, ўзи уларга тил-адабиётдан дарс беради. Тез орада мактаб ва унда қилинаётган ишлар тилга тушади.

Ш. Рашидовнинг фронт жанг-номаси қисқа бўлса-да, ибратлидир. Юртга муҳаббат, одамларга меҳр, ишга чанқоқлик у кишида ҳамиша балқиб турарди. Шу туйғулар Шароф Рашидовни ҳеч қачон тарк этмаган — йўлини машъала каби ёритиб, машаққату балолардан асраган.

Муҳаммад САЛОМ

Эътибор ОХУНОВА

ҒАЛАБА БАҲОРИ

Биз жанг лавҳаларини тарихдан, хотира дафтарларидан, азиз ва мўътабар кексаларимиз, жанг қўрганларнинг қиссаларидан, кинолардан, қўлтиқтаёққа суяниб ўтиб борувчи ногиронлар, уруш қаҳрамонларидан, мангулик машъалалари, мармар саганаларга битилган алмали ёзувлардан, одамлар юрагига ўчмас бўлиб муҳрланган зорлар, айрилиқ дардларидан, ҳижрон отлиг достонлардан биламиз, рассом мўйқаламидан яралган маҳзун асарлардан биламиз. Ўн саккиз ёшида уруш туфайли бева қолган келинчакларнинг бевақт оқарган сочлари, бедарак йўқолган ўглини ҳамон кутаётган қозиқдаги чопонига, девордаги ўгли тишлаб қолдирган кемтик патирга термулаётган одамларнинг зор-интизор нигоҳларидан англаймиз уруш жароҳатларини.

Урушнинг юракларга солган дарзларини ҳис этамиз. Жангномалар дафтарини варақлаймиз...

Мана, жангчи йигит кўзларида олов учқунлари, юрагида катта маҳобат ҳамда нафрат туғёнлари билан, қўлидаги қуролини баланд кўтарганча, илгарилаб чопиб бормоқда. Нафрати — ёвга. Муҳаббати — азиз она юртига, халқига, волидайи муҳтарамага. Жангчи ҳамон илгарилаб боради.

Юраги, ҳаяжонлари, ори-номусини ҳимоя қилгандек ҳушёрлик, ишонч, масъулият ҳисси билан босиб ўтади.

Бу илгарилаш одими — Ғалабагачадир. Ғалабагача бўлган бу йўл — сокин-осуда, беҳатар эмас, қурбонли, хатарли, фалокатли йўллар эди. Бу йўлларда не-не мангулик достонларига тамал тошлари қўйилди, не-не қаҳрамонлик ҳайкаллари тикланди. Абадийлик машъалалари аланга олди.

Шонлар, қаҳрамонликлар, мангуликлар китобини яратган халқим, сенинг ўғлонларингга таъзим! Шундай ўғлонларни устирган мунис оналарга эҳтиром!

Ҳарир рўмоли бошда,
саҳар йўлда келинчак
Ғулларга кўмиб қайтар
«Мангу машъала»ларни.
Улар новда эдилар,
очилмаган бир ғунча,
Қутлуғ қонлари ювди
бегона далаларни.

Бир дона лола ушлаб
кетиб борар болажон,
Унинг қўлини тутиб
бораётир бобоси.
Шу гўдак ҳаққи, қуёш,
офтобли бўлсин осмон,
Бу — истиқлол китобин илк
сўзи — алифбоси...

Оталаримиз, акаларимиз жанг-ҳоҳлар ичра юриб, Ўзбекистонимизнинг юрак уришини доим кузатиб, тинглаб турдилар. Маданий оламда, санъатда, илм масканларида, театрларда, саноат корхоналарида, қурилиш майдонлари, дала-тизларда бўлаётган воқеаларни, ўзгаришлар, янгиликларни сергаклик билан кузатиб турдилар. Мактублар, хушхабарлар, дил изҳорлари фронтдан — фронт орқасига, фронт орқасидан — жангчиларга қанот қоқиб турар, кўнгил муждалари, умидли сўзлар тумор-ча қилиб букланган конвертларга жойланган бўларди.

Уруш йилларида саҳналаримизда «Бургутнинг парвози», «Ўзбекистон қиличи», «Даврон ота», «Муқанна», «Улуғбек» каби янги асарлар қўйилди. Адибларимиз янги асарлар битдилар. Катта Фарғона канали уруш йилларида умумхалқ ҳашари билан қурилди. Шеър мулкининг султони Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи нишонланди. Фронт орқасида, окопларда, ертўлаларда янги қўшиқлар тўқилди. Жангчиларнинг қўшиғини қуйлаб ўтганлар, орзу манзилига етганлар, етолмаганлар бор. Етолмаганларнинг ёди мангу барҳаётдир!

Бахт, истиқбол, муҳаббат остонасига қадам қўймоқ учун тонгдай ҳарир рўмолини бошига ташлаган келинчак! Муйлови сабза бўлган ўғлон! Умид остонасига қадам қўйган чоғингизда қутлуғ саждагоҳларни ҳам зиёрат қилмоқни унутманг. Бу шундай савобли иш, бу шундай муқаддас бурч, шундай улуғвор туйғуки, уни сўз билан айтиб, қалам билан изҳор этиб бўлмас. У андоҳли йилларни, кўз ёшларга тўлиқ йўлларни ёдга солувчи жароҳатлар кўп, машъаллар кўп, ёдгорликлар бисёр. Нетайликки, булар — урушнинг қон билан битилган дастхатларидир.

***

Тошкентимизга мангулик машъали келтирилгани ёдимизда. Тошкентда номаълум солдат хотирасига бағишланган ёдгорлик ёнига мангу олов ёқилди. Бошлар эгик, қуроллдошлар, фронтдошлар саф тортиб турдилар. Дийдорлашиб бир-бирларининг бағрига сингиб кетардилар. Унут бўлмаган, ҳамон юракларга силсила солгувчи окоп қўшиқлари, жангчоҳларнинг аламли марсиялари, фарёдлари, оҳлари янгради, утли сатрлар ўқилди...

Тошкентнинг «Волгоград» кўчасида «Мотамсаро Она» ҳайкали очилди. Она ҳайкали пойига юзлаб йигитларнинг, Ватан учун жон нисор айлаган қаҳрамонларнинг, шинел кийган қизларнинг, чимилдиқ кўрмаган ўн етти ёшлиларнинг, ёр-ёр тингламаган жувонмардларнинг ҳоки қўйилган. Бу улуғвор иншоотга ажратилган неча гектарлик майдон ўша кунлари қутлуғ зиёратгоҳга айланганди. Ҳамон қутлуғ зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Негаки, дунёга кетган оловни ўчириш мумкиндир, лекин инсон юрагига туташган айрилиқ, изтироб утини ҳеч қачон, ҳеч нима билан ўчириб бўлмайди. Бу ерга ер юзининг турли саҳҳадларидан мунис она ҳайкалини тавоф айламоққа, ўғлони, қизларининг дийдорига зор маъсумани зиёрат айламоққа келадилар. Никоҳ кошонасига бораётганлар бу ерда тўхтаб ўтадилар. Шаҳар сайрига чиққан одам беихтиёр йўлни шу ёққа буради, бир дам тўхтаб ўтади. Боболар, бувилар қўлларини дуога очадилар. Йигитлар тиз чўкадилар, келинчаклар таъзим айлайдилар, бош эгадилар. Урушда ҳалок бўлган умр йўлдошини, фарзандини соғинган аёллар, оналар бу ерга гуллар келтирадилар. Ватан сарҳадларини қўриқлаётган йигитлар бу ерга келадилар, қасамёд қиладилар: «Мустақил юрт даҳлсиздир, унинг ҳар қарич тупроғи учун юрт ўғлонлари жавобгардир!..»

***

Мотамсаро она ҳайкалини мен ҳам зиёрат қилиб тураман. Ҳар сафар маъсуманинг тош ҳайкали пойидаги қабртошларга ва улардаги ёзувларга такрор-такрор назар ташлайман. Аламлар, зорлар юрагимни пора қилади. Халқимизнинг бу бегуноҳ жувонмардларига, очилмайин сўлган баҳорлари, гулларига, гул чоғида узилган бебаҳо гавҳарлари, қаро кўзларига ачинаман.

Мана, она пойида ётган азизлар: генерал-майор Собир Раҳимов, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган Неъматжон Ҳакимов, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Жўрахон Усмонов, Виктор Малясов. Тотув қардошлик оиламизда ўсиб улғайган, мардларча ҳалок бўлган қозоқ йигити Қали Асанов, татар Вали Матаҳмедов, тожик Амир Назаров, туркман Муҳаммад Сатторов, грузин Ҳамаладзе, қорақалпоқ Хусланис Йўлдошев, белорус Николай Жук, литвалик Смидзис Арвазин, украин Павлик Олейников ва юзлаб исми номаълум, лекин шон-шуҳратлари абадий, ўзлари барҳаёт аскарлар шу ерда беозор уйқудалар.

Жавоҳирлар тизимидан
узилса дур, садафлар,
Ғам-андуҳни оқизса ғар
гулгун шароб, қадаҳлар,
Булутларнинг чодирини
сўкса қўёш чарақлаб,
Урушларнинг дафтарини
қолар бўлсам варақлаб,
Гулчамбарлар келтирсалар,
Ё пойингда ўлтирсалар,—
Эслайман сени.

Бу машъум воқеани бизга урушнинг қонли сўқмоқларидан ўтган азиз ва муҳтарам санъаткоримиз Сорахоним Эшонтўраева ҳикоя қилиб бергандилар: 1942 йил. Ушанда ҳам баҳор эди. Қалдирғочларнинг чугури, гўдакларнинг, оналарнинг фарёдлари тўлқинига кўмилиб кетди. Ўқлар зарбидан қалдирғочлар буғотлардан қулаб тушдилар... Немислар босиб олган қишлоқнинг юзлаб болаларини оналари билан чечаклар унган ямяшил сайхонга ҳайдаб келтирдилар. Ўртага катта гулхан қаладилар. Оналарни гулхан атрофига тизиб қўйиб, уларнинг кўз ўнгида болаларини бирма-бир гулханга отдилар! Ҳа, ушанда ҳам баҳор эди!.. Ундай баҳорларнинг қайтмагани, такрорланмагани яхши. Ундай баҳорлар қайтмас, лекин оналарнинг дилидаги жароҳатлар — битмас, туганмас жароҳатлардир. Бу жароҳатлар — юракка ўрнатилган қабрларга ўхшайди.

***

...Азизим, биз сен билан мактаб партасида енма-ён ўтирардик. Бир тонг мактабга келганингда киприкларингда ёш қалқиб турганини кўрдим. Мурғаккина бошингга ғам тушганди. Ёдимда, дарсдан сўнг ўқитувчимиз бошингни силади, кўз ёшларингни артди. Билсак, отанг урушда ҳалок бўлган эканлар. Муаллима опамиз сени юпатди-ю, ўзи ҳўнграб йиглаб юборди. У уруш туфайли тул қолганини ўшанда биламидик, билмасмидик?

Муаллимамиз айрилиқ ҳақидаги бир шеърни йиглаб ўқидилар. Сўнг, мана бу сатрларни ёд айтди:

Юрак,
Қани бергин лирикангнинг
Энг асилини,
Энг жўшқинини,
У акс этдирсин мазмунида
Шодлигимнинг бор
тўлқинини!

Болалар кўнглини вайрон қилмаслик, маҳзунликни нарироққа суриш учун, бу дунёни зорнинг зорларидан чекиниш учун шундай қилганини ҳам биз ўшанда билмас эдик. Бу жангчи шоир Султон Жўранинг сатрлари эди. Шеърни ёд олдик. Бора-бора биз ёд олган шеърларимизни эмас, ўзимиз машқ қилган шеърларимизни муаллимамизга ўқиб берадиган бўлдик. Биз Султон Жўранинг шеърларини ғоят севар, шундай ўтюрак шоирнинг ҳоки пойи бегона юртда қолиб кетганидан беҳад озорда эдик.

Гомелда бўлганимда ён дафтарим ёзувларга тўлиб кетди. Белоруссияда Султон Жўра номига қўйилган қишлоқ ҳам бор. Ҳар баҳор шоир қалбини майсалар қоплайди, чечаклар унади. Маҳзун чечакларга термулиб, ўйлайман. Ўзбек аскарининг қабрини бегоналар зиёрат қилгани келадилар. Қабр ораста, гуллар қучоғида эканини кўрдим. Ҳар йили баҳор қайтиб келади, лекин бу баҳорлар яқин ўтмишнинг дарду аламларини, қонларга беланган қирмиз байроқларни, дўстини суяй деб ўзи йиқилганларни, хазон бўлган чечакларни, Ватаннинг ҳар қарич тупроғи учун тўкилган табаррук қонларни бир умр ёдга солиб туради. Қора қош, қора кўз ўзбек шоирини ҳам ёдга солади.

Субҳи чоғ... Уруш қаҳрамонлари ҳайкали пойига атаб сараланган гулларимни бағримга босиб борардим. Машъала ёнида қўлларида алвон лолалар ушлаган отага кўзим тушди. Ота аввал тиз чўкди, тавоф айлади, лолалар бойламини ҳайкал пойига қўйди. У тиз чўкканча жим қолди. Юрагида бетинч хаёллар бор эди унинг. Отанинг бу ҳолати менга унсиз чекилган фарёдларни, лолалар бағрига беркинган нолаларни сўзлади.

Диёнатни одамлар солса
гар тарозуга,
Зилу замин юк ортиб қўйса
умид, орзуга,
Ўтган кунлар ёдини солиб
кўрмай кўзгуга,
Бино қўйса баъзилар ҳисоб
бермай ўзига,
Унутсалар ҳижронни,
Не-не мўътабар жонни, —
Эслайман сени...

Ота кумуш соқолига оқиб тушаётган кўз ёшларини артиб урнидан турди. Қўёш илк бора киприк қоққанида ота қошига қўлларида гуллар, райҳонлар, анвойи чечаклар ушлаган бувилар, боболар келдилар. Улар бир-бирларига гуллар, лолалар узатишар, қучоқ очиб бир-бирларининг бағрига сингиб кетардилар. Бир зумда машъала атрофи алвон гулларга тўлди. Тирик қолган, ой бориб омон қайтган бу қуроллдошлар ҳар йили баҳорда мана шу машъала пойида дийдорлашади. Ўтмиш дафтарини варақламоқ учун, тинч замонага шукроналар айтмоқ, одамларга умр тиламоқ, ҳалок бўл

Зоҳиджон ОБИДОВ

МУЗАФФАРЛИК

Давра хуррам, давра дилкушо,
Қуролдошлар билан хуш айём.
Ҳар бир чеҳра шавқ этар ифшо,
Зафар шавқи бахш этур илҳом!

Табассум-ла ирғиттанча бош,
Бир-бирини қутлайди дўстлар,
Юракларда балқитур қуёш,
Тўқнашаркан меҳрли кўзлар.

Юлдузларнинг чаманин чўғлаб,
Ҳар кеч чарақласин деб осмон,
Мусаффо тонг руҳимиз чоғлаб
Қуёш инъом этсин деб ҳар он—

Қадрдонлар, бошлайлик алёр,
Бахтли кунлар шукронасига.
Тароналар қўшайлик ҳар бор
Юртнинг мағрур таронасига.

Қуролдошлар, этайлик дуо
Тўкилмасин дея юртда қон.
Қутурмасин жанг-жадал асло
Эркин нафас олсин деб жаҳон.

Бирга ният қилайлик бу он
Ғўдаклар шод ўсмоғи учун.
Хуш ис тараб мудом иссиқ нон
Ўқлар исин тўсмоғи учун.

Ғурурингимиз қизисин чунон,
Юракларга йўғрилсин шукуҳ,
Адоватлар бўлсин-у, яксон,
Жаҳон кезсин осуда бир руҳ.

Дунё безди жанг қирондан,
Қуррамиз тинч айланиб турсин.
Халос бўлиб хатарли ондан,
Коинотда сайр этиб юрсин.

Она Ерга биз хавф-хатармас,
Осойиш, бахт этайлик инъом.
Таҳликада яшаш етар, бас,
Тинчлик туҳфа этсин ҳар айём!



КЎЗЛАРИМНИ ОЧДИ МУҲАББАТ

Мен-ку қайтаётган эдим уйимга,
Юмушлардан толиб, хаёлга толиб.
Бекатдан сен чиқдинг оппоқ қуюндай
Кўнглимга сурону ғалаён солиб.

Гўё танимадинг. Тутқини тутиб,
Маюс жилмайганча чўмдинг хаёлга.
Тургим, боргим келди. Элни унутиб,
Сени кўмгим келди минг бир саволга.

Ёдимда чақнади қасамёдларим,
Бир замон сеники бўлган ҳаётим...
Ёнингга бормадим. Бора олмадим.
Ўзимни аядим, сени аядим.

Кейин тушиб кетдинг. Сезмадинг гўё.
Қайрилиб боқмадинг, эй сунъий йўлдош.
Мени аядингми, ўзингними ё?
Қиз қалби қизғалдоқ эмас, тилсимтош!

Муҳаббат — пуч нарса, муҳаббат — ёлғон!
Орзулар, қайғулар, туйғулар — майда.
Биламан, пойимда йиғлайди хазон,
Негадир уйга ҳеч боргим келмайди...

х х х

Бағримдан биёбон яралгани чин,
Бир ён Дашти қипчоқ, бир ён Чин-мо чин.
Қўнғироқ овозинг. Қўнғироқ сочинг.
Қўнғироқларингни кутиб ўтяпман.

Беҳад сабоқ бермиш менга чархи дун,
Ўтди Афлотун ҳам, кетди Фаридун.
Уларга боқмасдан ҳануз бағри хун,
Ҳижрон китобларин титиб ўтяпман.

Сен кеча хонзода эдинг беписанд,
Қул эдим оёғу кўнглим кишанбанд.
Ҳазратдан қолган ишқ достонин банд-банд,
Сўзма-сўз қайтадан битиб ўтяпман.

Юзингдаги парда-мавжланган сароб,
Симларни чўғ қилиб экмоқда офтоб.
Очиқсам, ич-этим ерман, эй моҳтоб,
Чанқасам, кўзёшим ютиб ўтяпман.

Ёрим киприклари ҳақига қасам,
Дунё гумроҳ эди гар мен келмасам.
Дилда гоҳи умид, гоҳида алам,
Дунёнинг қўлини тутиб ўтяпман.

НАДОМАТ

Изсиз кетди шарқираган анҳорларим,
Эсиз, кетди гуркираган баҳорларим.
Кўзларимдан киприк каби тўкилдилар
Севганларим, дилбарларим, дилдорларим.

Севдим юртнинг шамшодию арчасини,
Суйдим сойнинг сокинлиги, сачрашини.
Ўнта қизни севган бўлсам, ўрни бошқа,
Қирқта бўлса, қилиғи хуш барчасининг!

Мен дарахтман — япроғи бор, илдизи йўқ,
Хазон қучган тупроқдирман — гул иси йўқ.
Осмон тўла юлдузларни кашф айлаган
Мунажжимман — манглайида юлдузи йўқ.

Гоҳо гуллар сочди менга куз-қишларим,
Гоҳо куллар сочди таниш-билишларим.
Бугун ёлғиз ўйланаман, ўртанаман,
Урмадими гўзалларнинг қарғишлари?..

Бу йўл менга сайр эди, сайил эди,
Севгисиз кун — ҳафта эди, ой — йил эди.
Мен қизларни алдашни кўп истамасдим,
Қизлар ўзи алданишга мойил эди...

х х х

Шунда
ёноқларинг ловулладилар,
Шудринг жаранглади гулбаргга томиб.
Сочларинг елкангда шовулладилар,
Кўзларингни юмиб... кўзларингни юмиб...

Шунда
мен ўзимни койидим ёмон:
Нега сени ёмон кўрибман, дунё?
Шунда
қудратингга келтирдим иймон,
Ўзингга санолар айтдим, раббано!

Шунда
асал исин туйди думоғим,
Кўрдим — еллар елар капалак қувиб.
Титради тараддуд билан дудоғинг,
Кўзларингни юмиб... кўзларингни юмиб...

Шунда
Бор умримга афсуслар чектим,
Қузғун қанотидан ёмғир кутибман.
Чорак аср яшаб, юз марта севдим,
Лек кимни севишни билмай ўтибман!

Шунда
кўзларимни очди муҳаббат,
Тошқинлар ўтдилар қалбимни ювиб.
Севгилим, сен энди кетмагин фақат
Кўзларингни юмиб... кўзларингни юмиб...

Анвар ЭШОНОВ:

ГАВРИЗАНГАР ЧЎҚҚИСИДАЙ ВИҚОРЛИ

Нечоғли тирик жон бўлса Ватанда — уруш унинг қисматига дахлдор.

Уруш — юракларга чўккан тирик хотира.

Уруш — юракларда совуган ўқ парчалари. Ҳали-ҳали вужудлар озурда — жанг-тоҳларда орттирганимиз — мусибатли «мерос» ўзидан дарак беради.

Уруш — кўзимизга сингган ғариб манзара.

Ғалаба! «Нечоғли тирик жон бўлса Ватанда», бу сўз барига бирдай муштарак туйғу. Бирдай тааллуқли сўз. Бу сўз шаҳидларнинг қуксида ёнган ўққа қоришиқ бир армон.

Фахрлансак арзийди. 1945 йил 9 майда Берлиндан Москвага Ғалаба байроғини ва фашистлар Германияси таслим бўлганлиги ҳақидаги маълум имзо чекилган актни олиб келган самолёт экипажи таркибида бир ўзбек Абдусамат Тойметов ҳам бор эди. Абдусамат Тойметов уруш йилларида кўрсатган жасорати учун мукофотланган 120 минг ўзбекистонликнинг тимсолимасми? Улардан 282 тасига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. 38 таси эса «Шуҳрат» орденларининг мукаммал соҳиблари.

Ўзбекларнинг миллий ғурурига айланиб қолган бундай фактларни қўплаб келтириш мумкин.

Жаҳоннинг катталиги аниқ ўлчангунча йўқ,
Ҳар қалай бир солдатнинг қалбидан кичик бўлур.

Демак, дунё ўзбек юрагидан кичикроқ.

Буни Ғафур Ғулом айтган. Она Ўзбекистонини «Қизларнинг қош узра қийғоч бўркисан» дея суйган, иқтидори «Гавризангар чўққисидай виқорли» ўзбекларнинг ғирт ўзбек шоири айтган.

Ўзбекистон ва уруш йиллари деганда хаёлимга:

Гомердан бошланиб тамом бўлмаган
Одамзод ақлининг дурдоналари,
Миллиард сатрларда занжирбанд сўзлар—

келади. Ўзбекистон — Ғафур Ғулом фахри, дардлари:

Қайси дард дунёда ҳижрондан ортиқ?!
Ҳар қалай, нону туз баҳрамандлари
Қўлқоп, йўлқоп тиккан кампирдан тортиб,
Совет Иттифоқи қаҳрамонлари.

«Ўзбекистон!» деганда ўз даврининг руҳияти, қалбларнинг сўнгги ҳужайрасигача тебраниш ҳолатларини ўта нозик ҳис этган Ғафур Ғулом шеърияти юракларга кўчади.

Сиз «Кузатиш», «Сен етим эмассан...», «Соғиниш», «Вақт» асарларини яна бир карра ўқиб чиқинг-а. Мутафаккир шоирнинг сатрлари Ўзбекистон босиб ўтган жангу жадал йўлларининг, она-юрт фезл-атворининг юксак ифодаси эмасмикан?!

Ҳар бир халқнинг бой-бастини кўрсатадиган, миллатнинг туғма табиатини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган алломалари бўладики, улар ҳақли равишда юртнинг фахрий фарзандларига айланиб қоладилар. Бу юрт урушнинг биринчи кунларидаёқ ўз халқи табиатидан келиб чиқиб:

Сен етим эмассан
тинчлан жигарим,
Қуёшдек меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
меҳнаткаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи —

деб фронтдаги минг-минглаб жангчиларга таскин, уларнинг болаларига бошпана берган Ғафур Ғулом юрти.

Шеърнинг миллий руҳдалиги шундаки, бундай асарни уруш кетаётган ўлкалардан кўчирилганларни бағрига олган ўзбекнинг шоиригина ёзиши мумкин эди. Шоирнинг интеллектуаллиги, ўзига хослиги шундаки, бу шеърни фақат Ғафур Ғулом ёзиши мумкин эди.

Нега бу шеър бунчалик серҳаяжон? Нега бу шеърдан отанинг қайноқ меҳри, нафаси уфуриб туради? Шоир маҳоратими бу? Балки. Бироқ шеърни жозибали қилган кўз илғамас бир ҳолат борки, у ҳам бўлса шоирнинг таржимаи ҳолидир.

«Соғиниш»ни бир эсланг-а! Шоир кимни соғинаётир? «Кузатиш»да шундай сатрлар бор:

Кулимсаб турғувчи толеинг порлоқ,
Худди шу йил таппа-тақ, ўн саккиз ёшинг.
Ватан қирғоғига ёв қўймиш оёқ!..

Шоир кимни кузатмоқда? Ўғли Жўрахонни. Шунинг учун бўлса керакки, «Сен етим эмассан»даги ота ва бола образи умумлашиб халқ образига айланиб кетади. Зотан, гуманизм туйғулари халқ, ватан, инсон тушунчаларининг муштараклиги ҳамдир.

Шоир кўзи— халқнинг кўзи. Шоир сўзи — халқнинг сўзи. Мен урушни урушдан кейин, устоз Ғафур Ғуломнинг сўзида қолган кўзларида кўрганман:

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш.

Арслоннинг наърасидай бу фарёд қай шеърда бор?! Бу карвон Шайх Саъдийнинг машҳур ғазалидаги карвонмас. Бу —«Туркситс йўлларида»ги «Устига бут ва тасбеҳ ортган карвонлар»мас. Бу карвон — халоскор карвон, фақат Ўзбекистоннинг ўзидан камида бир миллион 200 минг аскарни жангтоҳларга ташиган эшелонлар. Йўл ҳам «Турксиб йўлларида»ги «кўп қадим йўллар»мас, балки нажот йўли — жонларга чийланиб, ўқ ва қон қоришган йўл.

Бугун — фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг эллик йиллиги нишонланаётган дамларда устоз шоирнинг Бедилнинг умридай фалсафий умрини безаган, уни ердан Гавризангар чўққисига кўтарган шоҳ сатрларини эслаш ўринлидир. Зотан, **ШУҲРАТ БИЛАН ЁДЛАНИШНИ ҲАКИМЛАР ИККИНЧИ УМР ДЕРЛАР.**

БЕШИ ТАШИДА ЗОҲИР, БЕШИ ИЧИДА ПИНҲОН

Ғўзаллик туйғусини идрок этиш, яъни воқеликка эстетик муносабат инсоннинг ахлоқий-ҳуқуқий хислатлари орқали намоён бўлади. Бу масала Шарқ илк уйғониш даври мутафаккирларининг фалсафий-эстетик қарашларининг, таъбир жоиз бўлса, ислом эстетикасининг моҳият-мағзини ташкил этади. XI асрнинг ноёб ёдгорлиги «Қобуснома»да ҳам эстетик қадриятлар ахлоқий қадриятлар замирида баён қилинган. Асар қирқ тўрт бобдан иборат. Уларда ота-онани ҳурматлаш ғўзаллигидан тортиб, ҳунар ўрганиш, сухандонлик, қарилик ва йигитлик сифатлари, меҳмоннавозлик, севги-муҳаббат, ўхламоқ, ҳаммомга бормоқ, сайр этмоқ, човган ўйнамоқ, мол-дунё тўплаш, бировнинг омонатига хиёнат қилмаслик, ўйламоқ ва фарзандлар тарбияламоқ, тижорат ва бозоргонлик, шоирлик, ҳофизлик-созандалик, подшолик хизмати, сипоҳийлик, деҳқончилик каби инсоний фазилатлар ҳақида сўз юритилган. Доно панд-насиҳатлар мазмунан кишини ғўзал хулқли, комил инсон бўлишга, илоҳий ва дунёвий ғўзалликларни қадрлашга даъват этувчи нур билан йўғрилган.

Кайковус ўз панд-насиҳатлари таълим-тарбия орқали амалга ошишини таъкидлайди. Айниқса, ғўзаллик тарбияси ҳақида доно фикрлар билдиради.

Тарбиядан мақсад комилликка эриштиришдир. Инсон Аллоҳ сифатларини борлиқ ғўзалликлари орқали англайди. Аллоҳ дунёнинг бор ғўзаллигини, орасталигини, эзгулигини инсон учун яратган: Аллоҳ тўйдирувчи, инсон тўювчидир. Шу боис инсон ғўзалликка маҳлиё бўлиб, ундан баҳраманд бўлиб яшаши, яратганга шукрона айтиши керак.

«Қобуснома»да ҳунар ўрганиш масаласи ғўзаллик нуқтаи назаридан баён қилинган: «Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдур, нединким, ҳамма маҳлуқотдин одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардин одам ўн даража зиёдадур ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордур. Беши ташида зоҳирдур, беши ичида пинҳондур. Ул пинҳон нарсалар: бири бир нарсани ёд олмоқ; бири ҳамиша эсда сақламоқ; бири тахайюл (хаёлга келтирмоқ); бири таҳаввур (ғазаб ва шиддат билан ҳужум қилиш); бири такаллум (сўзлаш)дир. Аммо ул бештаким ташида зоҳирдур: бу заВқ, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпаламоқ, яъни сезув...»

Муаллиф инсон ана шу сифатларига кўра жониворлардан фарқ қилишини, энг яхши ҳунар тилни яхши сўзларга ўргатиш эканлигини эслатиб, мулойим сўздан бошқа нарсани одат қилмасликни насиҳат беради: «Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўса ҳам, ёмон, нобоп эшитилур. Шунинг учун беҳуда сўзламагилки, фойдасиздир. Бундай бефойда сўз эшен келтирур ва ҳар сўзки, ундан ҳунар иси келмаса, бундай сўзни гапирмаслик лозим. Ҳакимлар дебдурлар: «Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур».

Асарнинг «Шоирлик расми зикрида», «Ҳофиз ва созандалик зикрида» бобларида Кайковуснинг эстетик қарашларининг қаймоғи жамланган. Бу фикрлар назм, наво ва қўшиқнинг инсон руҳига таъсири, ғўзалликни ҳис этишдаги хизмати ҳақидагина бўлиб қолмай, ўша даврдаги санъат даражаси, унинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни, шеър, ашула ва мусиқа назариясига доир масалаларни ҳам қамраб олган. Масалан, шеърда шакл ва мазмун бирлиги масаласи шундай ифодаланган: «Эй фарзанд, агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қил, токи сўзинг осон ва фойдали бўлсун, ғализ ва мушкул сўздан парҳез қилгил ва ўзинг билиб, ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, нединким, шеър айтгон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас. Бир хил вазн ва бир хил қофияга қанот қилмагил, санъатсиз ва тартибсиз шеър айтмагил. Шеърда зарб, яъни оҳанг, яхши садо, сунг бўлса ва шаклда алъал бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлур». «Қобуснома» муаллифи назмий ва насрий сўзни руҳий тилсимотга кириш, ғўзалликни идрок этиш калити сифатида баҳолайди. Қай ҳолатда қайси сўзни истиъфода этишни, сўзни истиоралар, ўхшатишлар воситасида ифодалашни, осон, равон, латиф сўзлардан фойдаланишни, вазн ва қофияларга, аруз қоидаларига, муаммо ва мунозара, нақл илмига риоя қилишни тавсия этади.

Унинг мусиқа ва қўшиқ санъатининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ: «Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфезл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, мутайяб (хушрўй) ва хуш забон бўлгил ва ўз ишингга машғул бўлгил, ярамас ҳулқ, қўпол башара бўлмагил. Ҳамма вақт оғир йўлларни чертмагил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эмасдур, нединким, одамларнинг барчаси бир хилда бўлгон эрмаслар, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни халқ мухталиф (ҳар хил)дурлар. Шул важдин бу фаннинг устодлари санъатга шундоғ тартиб бермишларки, аввал подшоҳлар мажлиси учун хисравона достонлар тузмишлар, ундин сўнг вазнсиз бир оғир йўл тузмишларки, уни икки суруд (ашула) била айтса бўлур ва унга оғир йўл деб от қўймишлар. Бу йўл қариларнинг ва хирадмандларнинг таъбига мос келмуш эрди ва бул йўлни мазкур қавм учун тузмишлар. Ундин сўнг эрса қурдиларки, халқнинг барчаси қарилар ва хирадмандлар эрмасдурлар. Шундан кейин ложарам йигитлар учун бир йўл тузатдилар. Ундан кейин енгилроқ вазнли шеърлар учун енгил йўллар тузиб, уларга ҳафиф (вазни енгил) деб от қўйдилар, оғир йўлдан сўнг бу ҳафиф йўлни чертдилар. Мутриблар (созандалар), қарилар ҳам, йигитлар ҳам ундан баҳраманд бўлсинлар, дедилар. Ундин кейин ёш ўғлонлар ва латиф-ғўзал таъб одамларнинг баъзилари бебаҳра қолдилар. Мазкур қавм учун тарона айтмоқни пайдо қилдилар, токи мазкур қавм ҳам баҳра ва роҳат топгайлар, чунки барча вазнларнинг орасида таронадин латифроқ вазн йўқдур. Демак, буларнинг барчасини бирдек қилиб чертмагил ва бир хилда қўйламагил, менинг баён қилгонимдек чертиб, айттил. Бас, барча улус сенинг созингдан, овозингдан баҳраманд бўлсин».

Асарда ҳофиз ва созандалар кўп шеър ва ғазални ёд билишлари, ҳар вақтнинг ўзига муносиб ғазаллар ўқишлари — баҳорда ҳазонга муносиб, хазонда баҳорга муносиб, қишда ёзга муносиб ва ёзда қишга муносиб ғазаллар ўқимасликлари лозимлиги таъкидланади. Улар мажлис-йиғинларда ҳолатга мослашишлари дарқорлиги, узларини тута билишлари шартлиги, мақтов ва танқидга, маст-аластларга муносабатда эҳтиёт бўлмоқлари, ҳатто, маишат аҳли қанча пул берса, шунга қаноат қилишлари жоизлиги уқтирилади: «Бир мажлисда ултурсанг, мажлис аҳлига қарагил, агар эшитгувчи қизил юзлик ва мош биринч соқоллик бўлса, пайвас (узлуксиз) зер (ингичка) тор била чертгил; агар сариқ юзлик бўлса, буш тор била чертгил, агар қора юзлик, наҳиф (озғин) ва савдойи бўлса, кўпроқ уч тор била чертгил, агар оқ, семиз ва мартуб (ртубатли) бўлса, кўпроқ бам (баланд парда) била чертгил, нединким, бу рудни (мусиқа тури) одамнинг тўрт таъби учун муҳайё қилмишлар».

«Қобуснома»да инсон борлиқ ғўзалликларини ақл ва сезгилар орқали идрок этиши, билиш қуввати Аллоҳ берган истеъдод ва қобилиятга ҳам боғлиқлиги теран тушунтириб берилган. Кайковус инсон тафаккури ва ақлини тавҳид (Аллоҳни таниш) билан боғлаб талқин қилади. Ўзига хос қобилият ва истеъдод эгаси бўлмиш инсон ақл гавҳари билан ҳайвонотдан беқиёс баланд туриши, ҳамма нарсадан мукаррамлиги ҳақида ажойиб фикрлар баён қилади. Олам ва одам Аллоҳнинг ҳикмат қўли билан яратилганлиги, яъни Қўръони Каримнинг «Самоларни ва Ерни ва улар орасидагиларни ўйлаб яратмадик», деган хабарлари бежиз эмаслиги, ҳар бир нарсада ҳикмат қўли борлиги, улар бир восита билан рўёбга чиқиши тўғрисида тўхталади: «Эй фарзанд, билғилким, Худойи таоло жаҳонни беҳуда ва бекор яратмади. Адл мужиби (сабаби) била яратди ва ҳикмат мужиби била оройиш берди... Барча нимарсаларни билиб яратди, керак жойида яратди ва улчаким адл мужиби била мавжуд қилди... Ҳеч нимарсани воситасиз пайдо қилмади. Кун ва фасодга воситани сабаб қилди. Чун восита бўлмаса, ҳеч нимарсада шараф манзилат ва тарбият бўлмагусидир ва чун фезл низомсиз бўлмагусидир, воситасиз ҳам бўлмагусидир».

Демак, ҳар бир нарсада восита мавжуд экан, одамлар учун ҳам восита зарур. Аллоҳ ўзини одамларга танитмоқ, уларни тўғри йўлдан юргизиб, ҳидоятга бошламоқ учун пайғамбарларни яратди. Пайғамбарлар ерда адолатли сиёсат ўрнатмоқ ва улусни тарбият қилмоқ учун вобаста бўлдилар. Мусулмон киши Аллоҳ таолони ва пайғамбарларни, хусусан, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламни танигандан сўнг тириклик ва неъматлар учун шукр, фикр ва сабр қилмоғи лозимдир. Кайковус Аллоҳ таоло шукрғузарлиги ва неъматлар шукронаси учун иймон, намоз, руза, ҳаж ва закот фарзларини адо этиш лозимлигини, уларнинг фойдаларини мисоллар билан тушунтиради: «Эй фарзанд, билгил ва огоҳ бўлғилким... агар киши барча вақтини шукрга сарф қилса, ҳануз мингдан бир неъмат ҳаққин бажо келтира олмагусидур... Намоз ва руза Ҳақ таолонинг ҳақлигига иқрор этмакни рост ва маҳкам этмак учундур... ҳар кишиким намозни тарк этса, тарки дин этгусидур... Эй фарзанд, агар қудрат ва дастгоҳинг бўлса, ҳаж қилмоқда асло тақсир қилмагил ва ҳажнинг асбоби бешдур: муҳлат ва муддат ва неъмат ва роҳат ва ният. Булардин баҳра топганингдин сўнг тоатни камолга еткур, жаҳд қил ва билғилким қудратинг етса, ҳаж доимий тоатдур, агар ниятни сўнгги йилга қўйсанг ҳам раво бўлур ва лекин закот бир тоатдурким, агар давлатинг бўлса, анинг ҳеч важъ била ўзри йўқдур ва Худойи таоло закот бергувчиларни ўзининг муқаррабларидин санабдур...»

Кайковус одамнинг жисми кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ҳужайралардан тузилганини, борлиқ билан инсон танаси бир бутунлигини таъкидлайди: «Куч фалакдин, фалак ҳаюло (моддадин), яъни ҳар бир нарсанинг асл моддаси ва моҳиятидин, ҳаюло (модда) нафасдин, нафас ақлдин ушбу қиёс била жудо бўлди. Одам жисмида тириклик ва оғирлик табиат қуввати орқали жам бўлди. Сурат, чехра, ҳаё, қувват, ҳаракат фалакдин жам бўлди. Бешта жисмоний сезги, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, искамоқ, тотмоқ, сийпаламоқ ҳаюло (модда)дин жам бўлди; ёд этмоқ, тафаккур қилмоқ, ҳаёл этмоқ, сўз айтмоқ, тадбир қилмоқ жон орқали жам бўлди. Одамнинг баданидаги шариф (тароватли) нарсаларнинг манбаи йўқдур ва уларнинг ўрнини кўрсатиб ҳам бўлмас. Нединким, жувонмардлик, донишлик, камолот, шариф — буларнинг ҳаммаси ақлнинг сармоясидур ва олий ақл ташаббуси билан баданда пайдо бўлдилар. Демак, тан ва жон билан, жон нафас билан ва нафас ақл билан тириқдур».

Кайковус Аллоҳ табиий қучлар, қўк гумбази, юлдузлар, ҳужайралар, жон, нафас ва ақлни бир-бирига боғлиқ ҳолда ўйғун қилиб яратганини уқтиради. Ўз кўз қараши билан одамларни турли ижтимоий гуруҳларга бўлиб, ҳар бирининг жамиятдаги ўрнини кўрсатади. Турли мавқега эга бу гуруҳларнинг, одамларнинг ҳулқ-атвори бир хил эмаслигини, бир инсоннинг ҳулқи иккинчисига маъқул келмаслигини эътироф этади: «Эй фарзанд, билгилки, донишлар ақл ва жувонмардликдин алфоз (сўзлар) била жасадсиз бир неча сурат ясабдурлар. Бу суратлар тан, жон, ҳавос (сезгилар) ва маоний (маъноларр) суратдур. Дебдурларки, бу суратнинг тани — жувонмардлик, жонпарастлик, ҳавоси донишмандлик, маонийси — сафодур. Бу суратларни халққа тақсим қилдилар: бир гуруҳга тан тегди, ўзга нарса етмади, бир гуруҳга тан, жон ҳавос ва маоний тегди. Тан етгон гуруҳ ёрлар ва сипоҳийлардурки, халойиқ уларга жувонмардлар деб от қўйдилар; тан ва жон етгон гуруҳ зоҳирда маърифат соҳибидурларки, халойиқ уларга ёлгон маърифат деб от қўйдилар».

«Қобуснома»да ёшлар инсонпарварликка, ватанпарварликка, халқпарварликка даъват этиладилар. Кайковус ўз фикрларини донишмандлар ўгитлари, ҳикоятлар, ривоятлар, машҳур кишилар ҳаётидан олинган воқеа-лавҳалар билан бойитган. Булар китобнинг жозибадорлигини янада оширган. Шу боис асар, минг йилдирки, одамлар учун ҳаёт жумбоқларини ечишда бир калит вазифасини ўтаб келмоқда.

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди

Абдулла Ориповнинг Миртемир домлага бағишланган шеърида шундай сатрлар бор: «Жиндек-кина нозик феъл-ингиз билан Сокин бир қўнғироқ чалиб ўтдингиз». Бу дунёи азимга келган ҳар бир одам ниманидир чалиб ўтади. Кимдир ноғора чалиб, яна кимдир қимтиниб дутор чертиб ўтиши аниқ. Агар ана шу ташбеҳга риоя этадиган бўлсак, таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Маҳмудали Юнусов, назаримда, бу суронли дунёдан най чалиб ўтди.

Одатда илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлини зиёлилар, деб аташади.

Аммо, аслида, зиёли кишилар бу қурраи азимда у қадар кўп эмас. Буйнига бўйинбог тақиб, бошига шляпа илганлик ҳали зиёлиликнинг белгиси бўлолмайди. Зиёли бўлиш учун, аввало, кишида юксак ички маданият ва руҳий назокат чашмаси бўлиши лозим. Маҳмудали Юнусовда бундай фазилатлар бисёр эди.

Маҳмудали аканинг отаси Юнус домла Ҳакимжонов араб ва форс тилларидан яхши хабардор, мадраса тупроғини ялаган, диний ва дунёвий билимларни симирган мулла эди. Октябр тўнтаришидан аввал машҳур халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ташаббуси



ҳам истифода этган. Чунончи, у Фурқатга бағишланган мақоласида самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазизнинг гуё 1871 йили Фурқат билан ҳажга сафар қилгани тўғрисида санъатшунос Турахон Мирзаев берган маълумотни текшириб, унинг тарих ҳақиқатига зид эканини исбот-

СОКИН НАЙ НАВОСИ

билан чоп этилган «Баёзи Хислат»да Мунис Тошкандий тахаллуси остида эълон қилинган ғазаллар унинг қаламига мансуб бўлган. Араб ва форс тилларини ўз она тилидек билган, Яқин ва Ўрта Шарқ тарихи, адабиётига доир ноёб китобларни меҳр билан тўплаган, ислом маданиятига муҳаббат қон-қонига сингиб кетган бундай кишилар «чеканка» қилина бошлаган 30-йилларда у Қашқарга қочиб кетишга мажбур бўлган. Икки норасида қиз ва икки ўғилни бўлажак олимнинг мунис онаси Ҳамида ая-аммам катта қилган. У тўнгич фарзандининг фозил инсон бўлиб етишиши учун кечани кеча, кундузни кундуз демай, унинг учун ҳам меҳнат қилган. Минг афсуслар бўлсинки, ҳаёт кўпинча фарзандларга бундай муштипар оналар олдидаги қарзни ўзиш имконини бермайди. Маҳмудали ака ҳам қоҳ Урганч, қоҳ Бухоро, қоҳ Самарқанддаги олий ўқув юртларида узоқ йиллар хизмат қилиб, онанинг кўнглини ололмади. Бундан азоб чеккан олим, жуда бўлмаса, халқнинг муносиб фарзанди бўлиш учун ҳалол тер тўкди: қаерда хизмат қилса, ўша ерда эзгулик ниҳолларини экиб, маърифат нурларини сочди. У талабаларга ҳатто номдор домлаларга қараганда ҳам кўпроқ билим беришга, адабиёт ва унинг мумтоз намояндаларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишга интилди. Агар, масалан, 50-йилларда Самарқандда талайгина истеъдодли ёзувчилар, адабиётшунослар ва тилшунослар авлоди етишган бўлса, бунда Маҳмудали аканинг хизмати айниқса салмоқлидир.

Олимнинг қизиқиш ва илмий фаолият доираси ғоят кенг эди. У адабиётимизнинг Октябр даресси бўлиб юборган ҳар икки қирғоғини, унинг қадимий даврдан бугунги тараққиёт босқичига қадар бўлган тарихини яхши билган ва уни яхлит адабий жараён сифатида тадқиқ этган. Шу жиҳатдан у ҳаммамиз учун ибрат намунаси бўлиб қолади. Алишер Навоий, Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий ва Фурқатдан Ўктам Усмонов, Барот Бойқобиловга қадар бўлган адабиётимизнинг тараққиёт йўлини Маҳмудали Юнусовчалик синчковлик билан кузатган олимлар, афсуски, кўп эмас. У шу қадар синчков бўлганки, ҳатто ҳамкасбларининг мақола ва китобларида қайд этилган фактларни ҳам бошқа ҳужжатлар билан муқояса қилиб, уларнинг тўғрилигини аниқлагандан кейингина бу фактлардан ўзи

шоирларга бағишланган «Давр қўшиғини қуйлаб ўтганлар», «Шокир Сулаймон» сингари мақолалари билдаги ана шу ишончни янада мустаҳкамлайди.

Олим Неъмат Тошпўлат, Солиҳ Қосимов, Акрам Иброҳимов, Маҳмуд Муродов каби дўстлари билан бирга адабиётга бўлган меҳрини устоз Шайхзода туфайли парвариш этди. Унинг маънавий олами, илмий ва инсоний мезонлари шу мубарак зот таъсирида шаклланди. Устозга хос бўлган ижодий уфқнинг кенглиги, илмий ҳалоллик, янгилик туйғуси, мураккаб муаммолар сари талпиниш, тадқиқот маданияти унга ҳам бегона бўлмаган. Шоиртабъ инсон, ўзига ўта талабчан олим ҳар бир мақоласида теша тегмаган масалаларни кўтаришга уринди, бунинг учун адабий жараённи қунт билан кузатди, кутубхоналарда эски газеталар чангини ютиб, муттасил изланди. Унинг ҳатто уша 20-йиллар адабиётига бағишланган тадқиқотини варақлаб кўрсангиз, адабиётимиз тарихини қанчалик пухта билганидан ҳайратга тушасиз. Афсуски, у ҳатто бундан 30 йил аввал илмий муомалага биринчи бўлиб киритган фактлар ҳозир ҳам кўпчиликнинг диққат-эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Сирасини айганда, XX аср ўзбек адабиёти тарихини қайта ўрганиш лозимлигини у биринчилардан бўлиб тушунган ва бу ишга илк бор киришган эди. Аммо қачи тарихий давр ҳам, ҳатто унинг ўзи ҳам бу юмушга тўла тайёр эмас эди. Шу маънода ўзбек адабиётшуносларининг шу кунларда амалга ошираётган хайрли иш у бошлаган ташаббусининг моддийлашувидир.

Олимнинг Аҳмадали деган ғаройиб бир укаси бор эди. У ўрта мактабни эндигина тугатган пайтда уруш бошланиб, унинг ҳам ўз гирдобига тортган. Аҳмадали ака ҳам унча-мунча шеър машқ қилар, эҳтимол, омон қолганида, у ҳам адабиётга алоқадор киши бўлиб етишган бўлар эди.

Маҳмудали ака умрининг сўнгги кезларида уни кўп эслаб, кўп қумсаб юрди, у ҳақда ҳазин най қуйига ўхшаш бир мақола ёзди. У ўзининг китоб ва мақолаларида ифода эта олмаган қалбининг мовий замзамаларини шу мақолага сочди. Бу бегубор қалбда эса, совет даврининг ёлғон гоялари секин-аста соф инсоний туйғулар ва умуминсоний қадриятларга жой бўшата бошлаган эди.

Маҳмудали аканинг юқорида тилга олинган мақоласи севимли газетамизнинг 1985 йил 14 сонида босилган эди. «Ватан учун жонимни берсам...» деган бу мақола олимнинг матбуотдаги сўнгги сўзи бўлди.

Орадан кўп ўтмай, уша йилнинг 9-октябрида у ҳаётдан кўз юмди. У ҳам, укаси Аҳмадали ака сингари, Ватан учун, халқи, унинг фани ва маданияти учун жонини берди.

Мен бу ажойиб инсонни эслар эканман, ҳар safar нима учундир сокин най навосини тинглагандек бўламан.

Наим КАРИМОВ

ИККИ ЭА ФАРЗАНДИ

Болаларнинг севимли шоири Турсунбой Адашбоев мана ўттиз беш йилдирки ёш китобхонларни катта-кичик шеърий тўпламлари орқали хушнуд этиб келмоқда. Унинг ҳар бир асарини мухлислар катта қизиқиш билан кутиб оладилар. Ўзбек ва қирғиз тилларида баравар ижод қиладиган икки эл фарзанди Турсунбой Адашбоевнинг

АГАР ЮРАК ЙИҒЛАМАСА...

ТАНИҚЛИ АКТЁР МУҲАММАДАЛИ АБДУҚУНДУЗОВ БИЛАН БЎЛГАН ДИЛДАГИ ГАПЛАР

— Муҳаммадали ака, суҳбатимизни анъанавий саволлардан бошласак. Сизнинг санъаткор бўлишингизга ким таъсир кўрсатган? Умуман, санъатга, театр саҳнасига кириб келишингиз кўпчилик мухлисларингизни қизиқтиради.

— Мен 1952 йили Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Яйпан қишлоғида ишчи оиласида туғилганман. Айтиб қўйайки, оиламизда, умуман авлодимизда ҳеч ким санъаткор бўлмаган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда Абдулла Набиев пиесасидан бир лавҳа тайёрлаш керак бўлиб, шу лавҳада Абдулла Набиев роли менга топширилди. Асар охирида Абдулла Набиев сўроқ қилиниб, отиб ташланади. Мен унга Эркин Воҳидовнинг янги чиққан Абдулла Набиев монологини улаб, ўқиб берганман. Ана ушанда умримда биринчи марта олқишларни, санъат завқини туйганман. Шу кундан бошлаб драматик актёрлик санъатига чексиз бир муҳаббат уйғонди. Демоқчиманки, ҳеч ким менга сен актёр бўлгин, деб маслаҳат бермаган. Бундай ният дилимда бор эди. Лекин уйдагиларга бу ҳақда оғиз очсам, улар рози бўлмаслигини билардим. Ота-онамнинг хоҳиши билан Тошкент Давлат университетининг география факультетига ҳужжат топширдим. Имтиҳонлардан ўта олмадим. Лекин буни уйдагиларга айтмаганман. Бир йил давомида театрларга бориб юрдим. Кейинги йили Тошкент Давлат санъат институтига ўқишга кирдим.

— Санъаткорнинг йўли жуда ҳам машаққатли ва мураккаб дейишади. Аслида шундайми?

— Шундай! Гапнинг очиғи, актёрнинг меҳнатини ёлғиз парвардигор билади. Актёр қийналсин, меҳнат қилсин, лекин томошабинга буни иложи борича билдирмасин, кечирган қийинчиликларини асло сездирмасин. Масалан, «Бобур» видеофилмида Бобур ўғли Ҳумоюн Мирзо касал бўлиб ётганида тепасига келиб, атрофида гир айланиб, парвардигордан сўрайди: «Эй, парвардигор, менки Бобурмен, агар жон бериш мумкин бўлса, умру жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азройил, менинг жонимни олгину, Худо Ҳумоюнга шифо бергин!». Ролни ижро этаётганимда томошабинларни ишонтиришим учун Ҳумоюн Мирзони ўз ўғлимдек ҳис этиб, кўз олдимга ўз ўғлимни қўйишим керак бўлди. Шундагина телетомошабинни ишонтира олишим мумкин. Бу актёрнинг театр санъатидаги асосий вазифасидир. Актёрнинг юраги йиғламаса, томошабинни ишонтириши қийин. Яна бир мисол, биз, инсценировка муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр Омон Абдураззоқов билан 1974 йили Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосида диплом спектакли яратганмиз. Шу спектакл Сурхондарё мусиқали драма ва комедия театрида қайта саҳналаштирилди. Асарда Икром ролини ўйнаганман. Спектаклнинг сўнгги саҳналарида Икром ўз ўғлини отиб ўлдиради. Ўғе мен саҳнада ўз ўғлимни отаётгандай бўлардим. Спектакл тамом бўлганидан кейин ярим соатча саҳнада ўтириб қолардим. Чунки кучим қолмасди...

Мана шундай қийинчиликларни енга олсагина, шундай машаққатларга чидаш берсагина, киши ҳақиқий актёр бўлиши мумкин. Ҳозир уйлаб қарасам, санъат даргоҳида ишлаётганимга 21 йил бўлди. 1974 йилда институтни битириб, ўн киши Сурхондарёга ишга бордик. У ерда ўн бир йил ишладим. 1983 йили «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирландим. 1986 йилдан буён Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида хизмат қилиб келяпман.

— Энди кўпчилик севиб томоша қилган кўп серияли «Бобур» видеофилми ҳақида суҳбатлашсак. Бобур образини яратиш жараёнига тўхталсангиз.

— Видеофилм режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Мақсуд Юнусов. Бу киши Ўзбекистон телевидениесининг энг маҳоратли, ҳурматли режиссёрларидан бири, видеофилм жанрига асос солган. Телетомошабинлар севиб томоша қилган кўпгина видеофилмларнинг аксарияти шу санъаткор суратга олган. «Бобур» видеофилмига келсак, асарнинг биринчи, иккинчи, учинчи қисмларини ёш йигитлар ўйнашлари керак эди. Тўртинчи қисмидан, яъни Бобурнинг ўсмирлик давридан кейинги саҳналарни мен ўйнадим. Лекин нимагадир, видеофилмнинг охиригача ўзим ўйнашимга ишонмадим. Боиси, режиссёрларнинг шунақа бир одатлари борки, агар хоҳласалар, неча қисм ўйнашидан қатъи назар актёрни алмаштириб, бошқасини таклиф қилишлари мумкин. Мен видеофилмнинг еттинчи, саккизинчи қисмига ўтгандан кейингина ролни охиригача ўзим ўйнашимга ишона бошладим. Чунки ҳали айтганимдай катта меҳнат талаб қилган роллардан биттаси Бобур образи бўлган. Хуллас, томошабинлар баҳосига қараганда видеофилм яхши, муваффақиятли чиқди. Бу видеофилм таржима қилиниб, Туркия телевидениеси орқали ҳам намойиш этилди. Ҳозир Покистон телевидениеси ёр ҳақда кўрсатув тайёрлаяпти. Асарнинг парвози ҳали давом этади. Бобур руҳи дунёнинг кўплаб мамлакатлари бўйлаб кезишига ишонаман. Шундай ажойиб образ яратганимдан бахтлиман.



— Шу кунларда қандай янги образлар устида ишлаяпсиз?

— Театримизда драматург Ҳайитмат Расулнинг «Муҳаббат султони» драмаси саҳналаштирилди. Бу асарда Навфал ролини ижро этдим. Навфал — қабила бошлиғи, ижобий қаҳрамон. Бир нарсани айтиб ўтиш жоиз деб биламан: томошабинлар актёрни ижобий ролда кўргандан кейин, уни салбий ролда кўришни хоҳламайдилар. Мен Бобурни ўйнаганимдан кейин кўп маротаба айтишган, салбий рол ўйнаманг деб. Албатта, томошабинларни ҳам тушунишимиз керак. Улар ўз тасаввуридаги қаҳрамонни ўзгартиргилари келмайди. Лекин актёрга бунинг аҳамияти йўқ. Истеъдодли актёр ҳар икки ҳолатда ҳам яхши образлар яратиши мумкин. Ўйлайманки, янги яратилган образ томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақтнинг ўзи кам, деярли бўлмайди. Агар бўш вақт бўлиб қолса, кўпроқ мутолаа қилишни хуш кўраман. Кейинги ишларимизга, ижро этадиган ролларимизга тайёргарлик кўриш учун фақат мутолаа ёрдам беради. Яна бўш вақтларимда телевидениеда бирон бир яхши кўрсатувлар бўлса томоша қиламан. Кинога уч йилча бўлди тушмай қўйганимга. Чунки жудаки вақтимни театр олади.

— Ҳаётингизда ушламаган орзуларингиз, ниятларингиз борми?

— Биринчи мақсадим, институтни тугатиб, актёрлик касбини эгаллаш эди, мана, худога шукур, ниятимга етдим. Олдимга битта мақсад қўяманда, шу мақсадга эришганимдан кейин бошқаси сари интиламан. Яна асосий мақсадларимдан: яхши ҳаёт йўли, яхши умр йўлдоши танлаш эди, унга ҳам эришдим. Ҳозирги ниятим: отам Абдуқундуз Аҳмедов, онам Бувинисо Аҳмедовалар Яйпанда туришади, мен ҳаётда нимага эришган бўлсам, шу азиз инсонлар — онажоним ва отажонимнинг хизматлари деб биламан. Улар олдида доим бош эгаман ва яратгандан соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламан. Уларнинг дуоларини олиб, элимизга манзур бўладиган образлар яратсам, дейман.

— Устозларингиз ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Биринчи устозим машҳур санъаткор Олим Ҳўжаевни айтиб ўтиш шарт деб биламан. Улар яратган сиймоларнинг кўпи менга яқин. Ҳаётда ҳам уларга ухшашни орзу қилардим. «Ўтган кунлар» спектаклида, «Бобур» видеофилмида мархум Наби Раҳимовнинг ҳиссалари катталигини тилга олмай ўтиш мумкин эмас. Узбекистон халқ артисти Ҳамза Умаровдан жуда кўп нарса олдим. Эл севган санъаткор Зикир Муҳаммаджонов, Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедов, қўйингки, мана шу театрда ишлаган ва айин пайтда ишлаётган барча таниқли актёрларнинг ҳамма-ҳаммасини ўзимга устоз деб биламан. Чунки уларнинг фикрлари, ўгитлари доим менга ҳамроҳ.

— Саҳнага эндигина қадам қўяётган ёш актёрларга қандай тилаклар билдирасиз?

— Актёрлик ва театр санъатини тушуниб етганлар саҳнанинг чангини ялаши керак, дейишади. Бу яхши маънода, албатта. Актёрга ўзи кўтган, ўзи хоҳлаган роли бир кунмас, бир кун албатта насиб этади. Лекин қийинчиликлар билан келадиган ўша қувончли кунгача кўпчилик актёрлар сабри чидамай, театрни ташлаб кетадилар. Сабр-тоқат қилиб, меҳнатдан асло эринмаслик керак. Санъатда зўрма-зўракилик, мажбурийлик кетмайди. Унинг турли машаққатларига чидаган, иродаси мустаҳкам одам санъаткор бўла олади. Санъат фидойиликни талаб қилади. Санъатни деб ҳаётда кўп нарсалардан воз кеча олиш керак. Енгил-елпи йўл билан машҳур санъаткор бўламан, деган актёр қаттиқ хато қилиши турган гап. Мен бу сўзларни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман.

— Ўзингиз яна қандай савол беришимни хоҳлар эдингиз?

— Кўпинча журналистлар менга қанақа роллар ўйнамоқчисиз, деб савол беришади. Айтиб ўтиш керакки, масалан, биз фалон ролни ўйнамоқчиман, деб орзу қилолмаймиз. Боиси, бу режиссёрга боғлиқ. Улар манзур кўрса, ёш тўғри келса ўйнаш мумкин. Бир хил роллар борки, ёшни талаб қилади. Масалан, Отабекни ўйнаш учун маълум бир ёшда бўлиш керак. «Меҳробдан чаён» спектаклидаги Анвар ролига ҳам ёшим катталик қилди. Ҳавас қилардим ўша ролни ўйнашни. Шунинг учун Султонали ролига рози бўлдим. Актёрнинг энг катта бахти шу актёр ёши етган пайтда театрда ўзи хоҳлаган спектакл олинса, ёши тўғри келса, шу спектакларда ўйнаса... Ҳар бир одам умид билан яшайди, умид бўлмаса ҳаёт бўлмайди. Эртанги кунга, келажакка умид бор, гастролларга борсак, янги-янги спектакллар тайёрласак, ёруғ юз билан кўришсак, деган ниятимиз бор.

— Муҳаммадали ака, шуҳратпарастликка қандай қарайсиз?

— Шуҳратпарастлик ҳақида бир ҳадисда: «Парвардигор агар бандаси шу шуҳрат тўнини кийдими, то уни ечиб улоқтириб ташламагунича ундан юз ўгирар экан», дейилган. Шунинг учун менинг шахсий фикрим, шуҳратпарастлик кийимини киймаган маъқул. Барибир камтарликда, оддийликда ҳикмат кўп. Санъаткор фақат яхши образлари билан эмас, балки одоби билан ҳам кўпчиликка ибрат бўлиши керак.

— Газетхонларга тилакларингиз.

— Юртимизда барқарорлик бўлсин, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик бўлсин. Ҳақиқатдан ҳам тинчлик, хотиржамлик — бу катта бахт. Ана шу улмас туйғулар ҳеч қачон қалбларимизни тарк этмасин. Яна бир тилагим: буюк бобокалонларимизнинг руҳи ҳамиша ҳамроҳ, пирлари мададкор бўлсин.

— Илоё ниятларингиз амалга ошсин. Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Зулфия ҚЎЧҚОРОВА

АНВАР ОБИДЖОН ҚАЧОН ТУҒИЛГАН?

Мен ўзимдан ортмайман. Бола-чақалар усаверипти-усаверипти. Бир куни уйга ишдан ҳориб-чарчаб кириб келсам, катта ўғлим:

— Дада, институтга кираман, — деб қолса бўладими!

Вой зангар-ей!

— Қайси институтга, ўғлим, — деб сўрасам:

— Ўзингиз биласиз, — дейди.

Товба! Мен қаёқдан биларканман!

Секин ечиниб, ювиниб, озгина тамадди қилгандан кейин бош қотира бошладим. Юрфак бўлмайди! Восфак бўлмайди! Иняз бўлмайди! Нархоз бўлмайди! Дипломатия... Ҳай-ҳай-ҳай!

Дард бор-у дармон йўқ.

Таваккал қилиб, филфакни танладим. Биринчидан, ўзимнинг соҳам. Қирқ йил бурун шу факултетни тугатганман. Иккинчидан, адабиёт. Осон. Учинчидан, ўзим билан ўқиган курсдошларим бешолтитаси ўша ерда домла.

Хайрият, мўлжалим тўғри чиқди. Ўғлим институтга кирволди.

Орадан уч ой ўтдими, уч йил ўтдими, аниқ билмайман, яна ҳориб-чарчаб уйга кириб келсам:

— Дада, Муқимий нечанчи йилда туғилган? — дейди талаба ўғлим тушмагур.

— Сенга нимага керак бўлиб қолди? — деб сўрасам:

— Эртага имтиҳон, — дейди.

Оббо! Бу имтиҳон деганлари ҳали ҳам бор экан-да. Қирқ йил олдин менга ҳам шу саволни беришган эди. Жавоб берганман, улай агар, тўғри жавоб берганман. Беш олганман. Қирқ йилдан кейин ўғлимдан яна шу саволни эшитиб довдираб қолдим. Тўғриси, Муқимийнинг қачон туғилгани ёдимдан кўтарилган экан. Менмондон:

Сенга ҳам ёрдам, Муқимий, лутфу эҳсон бормикин? — деб юраверган эканман.

Қўйинг-чи, ўғлимга Муқимийнинг қачон туғилганини адабиёт тарихига оид китоблардан топиб бердим. Кейин усмоқчилаб:

— Ўғлим, қачон бизнинг давримизга яқинлашасизлар? — деб сўрасам:

— Ҳали анча бор, — дейди.

Бир енгил тортдим, бир енгил тортдим. Сабаби ўғлимга «Ғафур Ғулом «Сен етим эмассан» шеърини кечаси ёзганми, кундузи ёзганми» деган савол тушгунча жиндай дам олволаман.

Мундоғ уйлаб қарасам, адабиёт ҳам осонмасакан, унда ҳам ҳисоб-китоб бўларкан. Қолган фарзандларимни биратўла тарих факултетига бериб қўя қоламан. Нима фарқи бор!

Ҳалиям адабиётни осон деб ўйлайдиганларга маслаҳатим: Анвар Обиджоннинг нечанчи йилда туғилганини ён дафтарга ёзиб қўйинглар. Чунки XXI асрда шу савол болаларингиз олдига кундаланг бўлиши аниқ.

Низом КОМИЛ

ҚАРИ БИЛГАНИНИ ПАРИ БИЛМАС

Уйғун акага талайгина сафарларда ҳамроҳ бўлганман. Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги тарғибот-ташвиқот шўъбаси йўли билан ҳам, Қуддус Муҳаммадий ва Уйғун аканинг юбилейлари муносабати билан ҳам сафарларда бирга кезганман. Аввал Бухоро вилоятининг Қоракўл, сўнгра Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманларидан Жумҳурият Олий Кенгашига депутатликка сайланган эдилар. Ҳар йили икки бор баҳор ва кузда ўша томонларга тайёрада қатнардик.

Болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Фарғонага жўнадик. Уйғун домла раис эдилар. Илк учрашув Қўқонда, шаҳар клубида бўлди. Туроб Тўла, Ёқубжон Шукуров, Қуддус аканинг ўғли Шодибек ва камина ҳамроҳ эдик. Учрашув зўр ўтди. Қуддус ака қотириб шеър ўқиди, бошқалар ҳам.

Маълумки, водий аҳли аскияга, ҳангома қилуга ишқибоз. Коса тагидаги нимкоса, яъни пардали сўзларнинг ҳам мағизини тез чақадилар. Уйғун ака юбилей раиси сифатида шаҳд билан сўзларкан, бир жойда шундай деди:

— ...Ҳа, оқ бўлса ҳам соч бўлсин... Етмишга кирсак ҳам яшаб турибмиз, ташаб турибмиз...

Залда тўртинчими бешинчи қаторда ўртада ўтирган, бир хил кийинган икки ёш жувон бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Мусофирхонага боргач, бу воқеани Уйғун акага айтдим. У индамади.

Фарғонада Улуғбек номидаги педагогика институтининг янги қурилган мажлислар залида ҳам антиқа учрашув бўлди. Бу ерда Уйғун ака хушёрлик билан сўзлашга уринди. «...яшаб турибмиз...» дедию менга бир қараб қўйиб, «ташаб турибмиз»ни айтмай ўтиб кетди. Лекин, бари бир бу ерда ҳам «илиниб» қолдилар. Ҳар битта шеър, албатта, бирон туртки ёки сабабга кўра майдонга келишини айтиб «Сатқаи кўз ёшларинг кетсин» сарлавҳали шеъринг ёзилиш тарихини сўзладилар. Эмиш, кимдир уйнинг қўнғироғини жиринглатади. Эшикни очса, остонада ёш жувон турганмиш.

— Келинг, хизмат? — дейди Уйғун ака, жувон уйга кириб курсига ўтиргач. У арзини бошлайди:

— Эрим қўйиб юборди...

Уйғун ака ҳайронликда бир лаҳза жим қолади. Кейин дейди:

— Эрингиз қўйиб юборган бўлса, хўш, мен нима қилишим мумкин, қари бобой бўлсам...

Шу ўриндаги сўз уйини сабаб гурр кулги кўтарилди. Бўлди қарсак, бўлди қарсак. Уйғун аканинг қулоғигача қизариб кетди. Ўзи ҳам «Оббо, илиниб қолдимов» деган маънода андак усал бўлгандай бошини силкиб бир-икки бизларга қараб қўйди.

Уйғун ака шаҳдам ва бурро гапирарди. Айтилган сўз — отилган ўқ деганларидай, икки маъноли, аниқроғи тагли сўзларни айтиб қўярди. Бу ҳол ҳар кимда ҳам бўлиши мумкин.

Қарсаклар аранг тинди. Уйғун ака давом этди:

— Эртага келинг, мен битта шеър ёзиб қўяй, бевафо эрингизга жавоб бўлар, дедим жувонга.

Шундан кейин Уйғун ака «Сатқаи кўз ёшларинг кетсин» шеърини қарсиллатиб ёд ўқиб берди. Мусофирхонада «Яна тушдиг-а?» деди илжайиб.

Қоракўл районига беш йил қатнадик. Аксар Туроб Тўла ҳамроҳ бўларди. Бухорода Тошпўлат Ҳамид, гоҳида Аҳад Ҳасан, баъзан Тошпўлат Аҳмад ва яна бошқа адиблар бизга қўшиларди. Бу галги сафаримиз ҳаддан зиёд шоду ҳуррамлик билан ўтди. Сабаби, йўлда машинада кетаётганимизда Тошкент радиоси Раҳматилла Отақўзиев Уйғунга академик унвони берилганлигини хабар қилди. Ҳаммамиз академикни сидқидилдан табрикладик.

Ҳазорасп районига илк марта борганимизда баъзи ноободонликларни кўриб Уйғун ака бироз ранжиди. Лекин, бу ҳақда чурқ этмади. Районнинг ҳатто марказий кўчаларига ҳам тош ётқизилмаганди.

— Тошкентдан биронта асфалт заводини кўчириб келмасангиз, районингиз ҳали бери обод бўлмайдиёв, — дедим ҳазиломуз. Туроб ака «ҳай-ҳай» дегандай маъноли қараб қўйди менга.

— Шунақа қилмасак бўлмайди шекилли, — деди Уйғун ака, бегидир айтилган гапга жавобан.

Иккимиз ҳоли қолганда Туроб ака мени огоҳлантирди.

— Бунақа мардликни сендан бошқа ҳеч ким қилолмайди, эҳтиёт бўл!

— Ҳўп!— дедим ва оғзимга талқон солдим.

Ўлкан клубга одамлар тўлқини оқарди. Кашандалигим тутиб, мудир хонасидан ташқарига чиқдим ва дераза рахига суяниб сигарета тутатдим. Мендан сал нарида бир тўда йигитлар гурунглашарди. Бошига лаппар кийиб, галстук таққан биттаси менинг бегоналигимни сезмадими ёки сезса ҳам атайлабдан «эшитсин» дебми, шундай деди:

— Қари одам нима қиларди депутат бўлиб, урнини ёшларга берса бўларди...

Баралла айтилган бу луқма менга оғир ботди. Негаки, устознинг шогирди сифатида ҳамроҳ бўлиб юрибман-да.

— Мулла йигит! — дедим босиқ овозда. — Башарти, мана сизни, ёшсиз, депутат қилиб сайлашса, қўлингиздан нима келарди?!

Башанг кийинган йигит гиқ этолмади. Ёнидаги журалари ҳам лом-мим деёлмади.

— Домла Уйғунни ким танимайди?! Халқ шоири, академик, Жумҳурият Олий Кенгашининг Президиум аъзоси. Ҳар қандай баланд креслода ўтирган катталар билан ҳам гаплаша олади у киши. Муҳими, ўшалардан талаб ҳам қила олади. Ҳазорасплиларнинг бахти бор экан...

У пайт баҳор эди. Кузданги ташрифимиз чоғида район марказининг барча кўчаларини машинада айланиб чиқдик. Тош ётқизилган эди. Асфалтлаш қолганди, холос.

Қари билганини пари билмас дейдилар. Шунақа қарилар борки, улар бажарган ишларни унта ёш бажаролмайди. Бунақа қариялардан урганиш ва фойдаланиш адолатдан бўларди!

Мавлон ИКРОМ

ҚЎШНИЛАР

(Ҳажвия)

Қўшниларнинг аҳиллигига нима етсин. Тўй-маъракаларда бундай қўшнилар бир-бирининг ўтидан кириб, кулидан чиқади. Ана шундай аҳил қўшнилар билан бир маҳаллада яшовчи Чиннигул тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Аҳволи оғирлашиб пойтахтдаги шифохоналардан бирида даволаниб қайтди.

Эртаси куни кечга яқин қўшнилар Чиннигулникига ҳол сўрашга чиқишди. Аёлларнинг бошини бир жойга қовуштириб, борди-келдини ташкиллаштиришда Бодомхоннинг олдига тушадигани йўқ. Кимдир қовун, кимдир олма, кимдир мураббо кўтарган — ҳеч ким қуруқ эмасди. Аввалига улар «сиз чарчаб қоласиз, кўп уринаверманг» деб Чиннигулни ёнларига ўтқазиб олишди.

«Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор» дейишади. Нарх-наводан бошланган суҳбат бозорга бориб тақалди. «Кичик» бозор торлик қилиб, жаҳон бозорига ўтдилар. Чет элда кийим-кечакнинг арзонлиги, электр асбоб-ускуналарининг сероблигига тўхталдилар. Ҳозир кўпчиликнинг чет элга савдогарчилик қилиш учун боришаётганлиги ҳам эсдан чиқмади. Бу вақт улар Чиннигулнинг ошхонада овқат қилишга уннаб кетганлигини сезишмади. Эри ишда. Ёш болалари тез-тез йиғлайди. Чиннигул гоҳ меҳмонларга чой келтиради, гоҳ қозонга қапғир солади, гоҳ тагини ўҳл қилган болаларнинг иштонини алмаштириб, ейиш-ичишидан хабар олади.

Овқат келтирилгандагина меҳмонлар ўзларига келишди. «Сизни овора қилдик, бекор уннабсиз, чарчаб қоманг», деб хайриҳоҳлик билдиришди. Кўп қимирлайвермай дам олиб ётиши ҳақида маслаҳатлар бердилар.

Эрталаб нонушта тугаши билан Чиннигулникига Ҳавохон кириб келди.

— Вой қўшнижон, кеча навбатда эдим, «кампания»дан қолиб кетибман. Холам меҳмонга келган экан, уни ҳам эргаштириб келавердим. Қалай, дарддан фориғ бўлиб олдингизми? Йўқ, қўшнижон, ҳеч уннаманг, дарров турамиз,— деб Чиннигулни ёнига ўтқазди. Улар тушгача ўтириб, «дарров» туриб кетишди.

Кечга яқин Чиннигулнинг ошхонасидаги касбдошлари келишди. Иш деб оқибатни унутмаслик, бир-бирларидан хабар олиб туриш кераклиги ҳақида узаро баҳслашдилар. Чиннигул ошхонада овқат тайёрларкан, дўхтирнинг «Ўзингизни асранг, кўп ҳаракат қилаверманг», деган гапини эслаб мийигида кулди. Бу гаплар бизнинг шароитга тўғри келмайди-да, деб ўзича жилмайди. Меҳмонлар олдига кириб чиқиб турганида боши айланиб, кўзи тингандай бўлди. «Ўтиб кетар» деб ўйлади Чиннигул ва сир бермаслик учун касбдошлари олдида ўзини тетик ва чаққон кўрсатишга ҳаракат қилди.

Бир неча кун қўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг кети узилмади. Мадори кетиб, кўзлари тина бошласа-да Чиннигул сир бермади. Унинг оёғи ошхонадан, қўли капкирдан, ҳаёли болаларидан бўшамади. Хуллас, унинг чираниши узоққа бормади: боши айланиб, тинкаси қуриб, оёғи чалишиб йиқилди. Кечаси «Тез ёрдам» уни касалхонага олиб кетди. Қўшнилар дарҳол хабар топишди.

— Вой, Чиннигулнинг яна мазаси қочиб қолибди,— қўшниларидан, «суюнчи» олди Момохол.

— Кўз тегди-да бечорага, сира дарддан аримай қолди,— енгини шимариб бошини чайқади Ҳавохон.— Касал нималигини билмай чопиб юрарди-я.

— Бориб кўриб келмасак, уят бўлади,— гапга аралашди Нуржаҳон. — Ёнидагилар қўни-қўшниларнинг оқибати йўқ, дейишмасин.

Қўшнилар бир зумда башанг кийинишиб кўча бошида тўпланишди-да, касалхонага йўл олишди.

МАҚТОВ

Дугоналар кўчада учрашиб қолдилар.

— Вой, дугонажон-эй, яхши юрибсанми? Яқинда эрингни кўрган эдим. У бирам чиройли, бежирим...

— Ҳой, Гуландом, ундай дема. Оёғингнинг тагига қара, нақ кўзинг тегади-я.— Дугонасининг оғзидан гапни илиб кетди Солия.

— Айниқса ён томондан шунақа ажойиб кўринар экан, асти қўявер. Қуёш нурида товланишини айтмайсанми?

— Унчалик эмасдир-ов. Бошқалардан ортиқ жойи йўқ, — бироз қизишди Солия.

— Эрингнинг диди ҳам чакки эмас. Қаердан топдинг бунақасини?

— Нима деяпсан дугонажон. Кунлига тегади ҳам демайсан-а. Бозорда шафтоли сотиб юрганимда ўзи менга елимдек ёпишган.

— Кўринишига қараганда жуда ҳам қаттиқ, зуваласи пишиқ, булса керак-ов.

— Ҳей, эримнинг қаттиқлигини сурама, кессанг қон чиқмайди ундан. Пишиқ ҳам гапми, бориб турган қуримсоқ, топганини бекиттани-бекиттан. Унга қолса ариқдаги сувни ҳам ҳисоб билан ишлат, дейди.

— Ўзиям импортний бўлса керак-а?

— Нима бўлди сенга?— ажабланди Солия,— алаҳсираяпсанми? Одамнинг ҳам импортнийси буладими? Эримни яхши танийсан-ку! У қушни маҳалладаги Фазлиддин носфурушнинг ўғли булади, бозорда чекчи бўлиб ишлайди. Энди эслагандирсан.

— Бе,— афтини буриштириб қўл силтади Гуландом.— Эринг ўзингга буюрсин. Мен унинг бошидаги телпагини сураяпман. Мен ҳам эримга шунақасидан олиб бersам булар экан.

Абдусаттор СОДИҚОВ

ТУЗАТИШ

Газетанинг 1995 йил 28 апрел сонида босилган «Тили ҳам қадимий» сарлавҳали мақоланинг бошланиши «Бизнингча, шубҳасиз, «Ҳибат ул ҳақойиқ» VIII асрга доир адабий ёдгорликдир» деб тузатиб ўқилсин.

ЭЪЛОН

Тошкент вилоят «Турон» илмий универсал кутубхонасига юқори малакали кутубхоначилар керак.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Махсидўзлик кўчаси, 25. «Турон» кутубхонаси. Тел: 44-34-90, 40-01-95.

Ёқубжон ЖАББОРОВ

ШЕР ВА ҚУЁН

Қадим ўтган замонда,
Шер ва қуён бор эди.
Қуён тушмагур шўхроқ,
Шер-чи, беозор эди.

Дарёнинг қўш қирғоғи,
Уларга эди макон.
Бу қирғоқда шер яшар,
Нарги қирғоқда қуён.

Ўртада шовқин солиб,
Азим дарё оқарди.
Сувнинг шўх шилдираши,
Эркаларди, ёқарди.

Ўша шумтака қуён,
Жуда эрта турарди.
Тинчлик бермасди шерга,
Олисдан бақирарди:

«Қани кўтаргин бошинг,
Тур ўрнингдан тез,
чаққон.
Ким сени шер деб атар,
Шер эмассан, кўр сичқон.

Ҳайвонларнинг шоҳи деб,
Қай аҳмоқ сени атар,
Миянгга бир туширсам
Қатиғи чиқиб кетар.

Қуён дема сен мени,
Қуён ака деб ата.
Ҳар чоғ мени кўрганда,
Таъзим қилгин албатта».

Шер асабий ғазабнок
Кўзлари тўлар қонга.
Ўтай деса дарё бор,
Юрар у ён-бу ёнга.

Қуён чиқар аввига,
Сўкинади эринмай.
Шерга дер «ҳой мушукча,
кўзларинг ўйиб олай».

Бу ҳолат давом этар
Неча кун, неча ойлар.
Қандай чора қилсам дер,
Ўйланар шер, пайт пойлар.

Тунда узоқ йўл юриб,
Ўтмоққа кўприк топти.
Соҳил бўйлаб қуённинг,
Уйи томон тез чопди.

Қуён тўплаб дўстларин,
Мақтанганди: «Юринглар,
Шер шўрликни қандайин
Сўкишимни кўринглар».

Ўпкасини тўлдириб,
Қичқирар: «Қанисан шер»
Шер-чи ёнгинасидан;
«Нима дейсан, қуён?»— дер.

Қуённвой кутмаганди,
Юз беришин бу ҳолат.
Оёқлари қалтираб,
Сўз бошлади ниҳоят:

«Қулбамизга марҳамат
Эй ҳайвонлар султони,
Сиз учун қурбон бўлсин
Мингта қуённинг жони.

Сизнинг келишингизни,
Мен кеча билган эдим.
Тўйинг деб қуённларнинг,
Барчасин йиққан эдим».

Қиссадан шудир ҳисса:
Мақтанманг мисли қуён
Ҳаддингиздан ошсангиз
Ҳолингиз бўлар ёмон.

ЛАТИФА

«— Беш қадоқлик тухум
туғипти Товуқ!»—
Бу хабардан ҳамма бўлиб
қолди лол.
Мухбирларга етиб бориб бу
доврук,
Келиб, Товуқойга беришди
савол:

— Муҳтарам Товуқой,
айтинг-чи қани,
Қандай эришдингиз бундай
зафарга?

Келажак режангиз улкандир
яна,
Уни ҳам қўшайлик янги
хабарга!

Кўз сузиб, Товуқой берипти
жавоб:
— Қандай эришганим бунга
ҳали сир.
Ўн қадоқлик тухум туғиш
режам бор,
Ана уни ютуқ десангиз
арзир!

— Хўрозвой, ўзича келмайди
ютуқ,
Сиз ҳам бақамтисиз
рафиқангизга.
Улушингиз бордир бунда
шубҳасиз.
Шу ҳақда гапириб берарсиз
бизга.

Хўрозвой дер: — Менга оғир
бу савол,
Жавоби мен учун гўё ёмон
туш.
Келгуси режамни билмоқчи-
мисиз?
Калтак ейди мендан маккор
Туяқуш...

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (назм ва наср бўлими мудири), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир —Адиба ОРТИҚОВА

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0199. 19828 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6